

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ

## “БИОЛОГИЯ”

йўналиши

## “МОЛЕКУЛЯР ЗООЛОГИЯ”

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“МОЛЕКУЛЯР ЗООЛОГИЯ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апредидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ЎзМУ, б.ф.н.,  
А.Э.Кучбоев

**Такризчи:**

**Byoung Ryong Jeong**  
Professor and Doctor of  
Philosophy in Horticulture  
Department of Horticulture  
Gyeongsang National University  
**Republic of Korea**

**Ўқув -услубий мажмуа ЎзМунинг Университет Кенгашининг 2016 йил  
7-сентябрдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	12
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ .....	69
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	73
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	76
VII. ГЛОССАРИЙ .....	77
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	84

## **I. ИШЧИ ДАСТУР** **Кириш**

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Биология” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илфор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Молекуляр зоология” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Ундан ташқари, бу йўналишдаги ҳалқаро ва Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида маълумот берилади. Ўрганилаётган турлар нуклеотидлар кетма-кетлигини ҳалқаро генбанк базасига (NCBI) жойлаштириш қоидаси ва йўллари таништирилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Молекуляр зоология” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларни ҳайвонлар геносистематикасига оид маълумотларни бериш, уни бажаришнинг илмий-методик ва амалий жиҳатлари билан таништириш, илмий-тадқиқот лабораторияси шароитида уни амалга оширишнинг шарт шароитлари билан танишадилар.

Тингловчилар ушбу фанни ўзлаштириш борасида ҳайвонлар тўқимасидан геном ДНК ажратиш, ПЦР-амплификация ўтқазиш шарт-шароитлари ва мақсади, гель-электрофорез орқали рДНК ва мтДНК концентрацияси аниқлаш, ПЦР маҳсулотларини тозалаш, секвенирлашга бериш, олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги Bioedit дастурида тўғрилаш, таҳлил учун танланган кетма-кетликларни тузиш, ClustalW дастурлари ёрдамида нуклеотидлар кетма-кетлигини текислаш ишларини олиб бориш, генбанк базаси маълумотлари билан солиштириш, олинган натижалар асосида турнинг аниқлаш ёки янги тур хақида маълумот берилади.

Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига нанозаррачалардан турларни аниқлашда молекуляр таксономия усулидан кенг фойдаланиш йўлларини очиб бериш ва бу фанни биология ва бошқа турдош фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш

замон талабига мувофиқлиги билан ажратиб туради.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

“Молекуляр зоология” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ҳозирги замон ҳайвонлар молекуляр таксономияси, систематикаси ва филогенетикаси оид маълумотлар;
- ПЦР-амплификация ўтқазиш шарт-шароитлари ва мақсади;
- гель-электрофорез ўтқазиш;
- ПЦР маҳсулотларини тозалаш, секвенирлашга бериш;
- олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида турларни идентификация қилиш;
- турли программаларда филогенетик дараҳтни тузиш ва ундан фойдаланиш;
- олинган нуклеотидлар кетма-кетлигини ҳалқаро Генбанк жойлаштириш каби **билимларга эга бўлиши**;

#### **Тингловчи:**

- хайвонлар тўқимасидан геном ДНК ажратиш;
- ПЦР-амплификация ўтқазиш;
- гель-электрофорез қўйиш;
- олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича Blast дастури орқали (NCBI) турларни идентификация қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

#### **Тингловчи:**

- “молекуляр таксономия” услуби орқали баҳсли ва янги турларни аниқлаш;
- Филогенетик дараҳт тузиш ва турларни молекуляр филогениясини ўрганиш каби **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтқазиш бўйича тавсиялар.**

“Мобил иловалар яратиш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар

билинг ишлеш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

“Молекуляр зоология” фанини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари биология, паразитология, ботаника, генетика, молекуляр биология, биохимия ва физиология қонунлари ҳакида тушунчага эга бўлишлари керак. Зоологиядан турларнинг биологик хилма-хиллиги, турлар ичидағи полиморфизм муаммоси, систематикаси; биохимиядан - ферментатив реакциялар механизмлари, ишлеш жараёнлари; хужайра биологиясидан - хужайра тузилиши, хужайрада асосий жараёнларнинг кечиши, хужайраларнинг кўпайиши; молекулар биологиядан - ДНК ва РНК тузилиши, интрогрессия, транскрипция, трансляция қонунлари, рибосомалар тузилиши, генетик код структура элементлари ҳакида етарли билимга эга бўлишлари шарт.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий “молекуляр зоология”, яъни ҳайвонлар геносистематикаси усулини ўрнини ўрганиш, таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Молекуляр зоология” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таддим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Зоология фани ва тамойиллари. Ҳайвонлар биологик хилма-хиллигини ўрганишда молекуляр-генетик усулларни қўллаш. Умуртқасизлар молекуляр систематикаси ва таксономиясини ўрганишда дунёда ва Ўзбекистонда бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар.	4	6	2	2	2	
2.	Молекуляр-генетик таҳлиллар учун зоологик намуналарни йиғиш талаблари. Геном ДНКсини ажратиш. Амплификация - ПЗР услубини асосий тушунчаси. ПЗР-амплификация.	8	6	2	4		2
3.	Агароза гелида электрофорез усулини асосий тушунчаси. Рибосомал ва митохондриал ДНК тозалаш.	4	6	2	2	2	
4.	Секвенирлаш – ДНКнинг бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш. Нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида организмни идентификация қилиш.	4	4	2	2		
5.	Филогенетик дарахтни тузиш. Нуклеотидлар кетма-	6	4	2	2		2

кетлигини Генбанк (NCBI) базасига жойлаштириш. ДНК – диагностика (ПЦР усули)						
<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Зоология фани ва тамойиллари. Ҳайвонлар биохилма-хиллигини ўрганишда молекуляр-генетик усулларни қўллаш.**  
**Умуртқасизлар молекуляр таксономиясини ўрганишда дунёда ва Ўзбекистонда бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар.**

Кириш. «Биохилма-хиллик» тушунчасини аниқлаш. Турлар хилмаки. Бахсли турлар. Турлар ичидаги полиморфизм. Геносистематика, биохилма-хилликни ўрганишдаги молекуляр-генетик усуллар тарихи. ДНК-штрихкодлаш. Молекуляр таҳлилларда қўлланиладиган маркерлар, ядро генлари. Умуртқасизлар молекуляр систематикаси ва таксономиясини ўрганишда дунёда ва Ўзбекистонда бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар.

**2-мавзу: Молекуляр-генетик таҳлилларда учун зоологик намуналарни йиғиш талаблари. Геном ДНКсини ажратиш.**  
**Амплификация - ПЗР услубини асосий тушунчаси. ПЗР-амплификация.**

Молекуляр-генетик таҳлилларда зоологик намуналарни йиғиш талаблари. Стандарт фенол-хлороформ ва коммерцияли реагент тўпламлари ёрдамида умуртқасизлар намунасидан геном ДНКсини ажратиш. ПЗР-амплификация ўтқазиш. ПЗР учун керакли митохондриал ва ядро праймерларини танлаш. ПЗР режими.

**3-мавзу: Агароза гелида электрофорез усулини асосий тушунчаси.**  
**Рибосомал ва митохондриал ДНКсини тозалаш.**

Агароза гелини тайёрлаш ва ПЗР маҳсулотларида электрофорез ўтқазиш. ДНК концентрациясини ўлчаш. ДНК тозалаш тўпламлари ёрдамида агароза гели ва реакция аралашмасидаги ДНКни ажратиш.

**4-мавзу: Секвенирлаш – ДНКнинг бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш. Нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида организмни идентификация қилиш.**

ПЗР-амплификациянинг асимметрик реакциясини флуоресцент нишонли нуклеотидлар ёрдамида ташкил этиш (секвенирлаш реакцияси) (2 режага қаранг). ПЗР-амплификация реакциясидаги асимметрик фрагментларни тозалаш. Blastn программаси ёрдамида кўплаб текислаш ишларини олиб бориш. Таҳлил учун танланган кетма-кетликларни тузиш. ClustalW, Bioedit программалари ёрдамида нуклеотидлар кетма-кетлигини текислаш ишларини олиб бориш

## **5-мавзу: Филогенетик дараҳтни тузиш. Нуклеотидлар кетма-кетлигини ни генбанк (NCBI) базасига жойлаштириш. ДНК – диагностика (ПЦР усули).**

Филогенетик дараҳтни тузишда MEGA-5 программасида күпроқ ҳақиқатга ўхшашик усули (maximal likelihood), максимал иқтисод (maximal parsimony), чамалаб кўрилган ўртача жуфтлик (UPGMA) ва яқин қўшнилар (Neighbor-joining) дастурлари орқали текшириш. Олинган нуклеотидлар кетма-кетлигини ҳалқаро Генбанк (NCBI) жойлаштириш. Ҳайвонлар паразитларни экспресс-ташхис усули (ПЦР технологияси).

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Ўқув машғулотларни ташкил этиш бўйича ЎзРФА Ўсимлиқ ва ҳайвонот олами Молекуляр биология ва биотехнология лабораторияси илмий ходимлари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўнимкамларини машғулотлар олиб бориш жараёнида янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув кўлланмалар асосида тингловчилар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни тайёрлаш орқали тингловчилар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

#### **1-амалий машғулот:**

#### **Умуртқасиз ҳайвонлар тўқимасидан геном ДНКсини стандарт ва Diatom DNA тўпламидан фойдаланган ҳолда ажратиши.**

Diatom DNA Prep (Россия) реагентлари тўплами ёрдамида ДНК ажратиши туслуби. Бу тўплам ДНКни турли табиий материаллардан ажратиши, шунингдек клиник намуналардан ДНКни тез тозалаб олиш имконини беради. Бу усул ФХ – услубдан жадаллиги (1та намунага 30 мин. – 1,5 вақт сарфланади), токсик (захарли) реагентларнинг ишлатилмаслиги билан ажралиб туради. Таъсир қилиш маханизими гуанидинтиоционатли лизис қилувчи реагентнинг ишлатилишига асосланган бўлиб, у ҳужайрани лизисига, ҳужайра солюбилизациясига, шунингдек ҳужайра нуклеазали денатурацияга олиб келади. Лизис қилувчи (парчаловчи) – реагант иштирокида ДНК Nucleos<sup>TM</sup> – сорбент тўпламида фаол сўрилади, сўнгра спиртли эритмада оқсил ва тузлардан осон ювилади. Сорбентдан ажратилган ДНКни ПЗР да ишлатиши мумкин. Тўпламни таркиби: парчаловчи реагент, тузли буфер Nucleos сорбентининг суспензияси, “Экстра Ген” ион алмашинувчи аралашма суспензияси. Diatom DNA Prep 200 реагентлар тўплами ёрдамида нематодаларнинг тўқималаридан ДНКни ажратиб олиш туслуби қуйидаги босқичларни ўз ичига олади. Бу тўплам йўриқномасида кўрсатилган.

## **2-амалий машғулот: ПЗР реакциясими үтқазиши.**

ПЗР қўйиш учун ажратилган ДНК намуналарга етарли (0,5 мкл) эплендорф пробиркаси ва шу эплендорфларга мос штативлардан фойдаланилди. Реакция аралашмасини тайёрлашда «Евроген» фирмасида ишлаб чиқарилган эритмалардан фойдаланилди. Бу реактивлар сув (тозаланган), 10x буфер, dNTP эритмаси, 50x TAG-полимераза ҳамда шу фирмада ишлаб чиқарилган нематодалар учун мос праймерлардан фойдаланилди. Бу материаллар асосида ПЗР учун аралашма (Master-mix) тайёрланади. Аралашма тайёрлашда 10 мкл ва 200 мкл пипеткалардан фойдаланилди.

## **3-амалий машғулот: Агароза гелини тайёрлаш ва ПЗР маҳсулотларида электрофорез үтқазиши.**

ПЗР маҳсулотларида ДНКнинг мавжудлигини электрофорез қилиш усули орқали аниқлаш мумкин. 1% агароза гель тайёрлашда 1 г агарозани 250 мл колбага солинди ва устига 100 мл ТАЕ (Tris-acetate, edta) аралашмаси солиб кўл билан агароза эригунча аралаштирилди. Микроволновка печкаси ёрдамида 2-3 дақиқа қайнатилди ва аралашманинг ҳарорати 45-50°C етгунча хона температурасида совутилди. Сўнг 3 мкл этидий бромисти аралашмаси солинди. Тайёр бўлган аралашмани 10 ёки 15та катақчадан иборат тароқ (гребёнка)га солинди ва гель қотгунча сақланди. Гель қотганга қадар 25 мкл ли ПЗР маҳсулотларидан 4 мклдан олиб 1 мкл бўёқ билан аралаштирилади. Қотган гель ТАЕ аралашмаси билан тўлдирилган камерага солинди ва гель катақчаларини ҳар бирига ПЗР аралашмаси солинди ҳамда катақчани оҳиргисига маркёр («DNA Ladder» – бу 1000 bp Ladder фирмаси “Fermentas” ДНК ни неча жуфт нуклеотид ўқитилганини билдиради). Камерада 45 дақиқа 80-100 вольт, 100 миллиампер кучланиш билан ДНК ҳайдалди. Электрофорез тугагандан сўнг камерадан гелни эхтиёткорлик билан олиб, трансиллюминаторда кўз билан кўриб текширилди ва расмга олинди.

## **4-амалий машғулот: ClustalW, Bioedit программалари ёрдамида нуклеотидлар кетма- кетлигини текислаш ишларини олиб бориши.**

Сиквенсдан келган маълумотларни текислашда «Chromas version 1.45» (McCarthy, 1996 – 1998), «Clustal X version 1.81» (Thompson, Gibson, 2000), «Gendoc version 2. 5. 000» (Nicholas, 1999), «ForCon version 1.0 for Windows» (Raes, Van de Peer, 1996), PAUP\* 4.0b10 (Swofford, 1998) биоинформатик дастурлардан фойдаланилди.

**BioEdit** – кетма-кетликларни тўғриловчи биологик таҳрир бўлиб, Windows 95/98 / NT / 2000 / XP / 7 ёзилган. Иш столи компьютерида интуитив интерфейс билан бир қанча документларни қулай функциялари билан кетма-кетликларни тўғрилаш ва манипулция қилиш каби функцияларни бажариш учун нисбатан осондир. Кетма-кетликлар варианtlари ва бир неча

манипуляциялар, ташқи манбаларни дастур лойиҳаларини жараёнини енгилаштиришда, кетма-кетликларга кириш ва манипуляциялашда нұқта ва кнопкаларга тегиш каби оддий операцияларни бажариш имконини беради.

### **5-амалий машғулот: BLAST (NCBI) – ишлаш.**

Объект ДНКсининг бу соҳаси кетма-кетлиги маълум бўлгач, уни маълумотлар базаси (NCBI) билан солиширилади, қайсики объектнинг бу кетма-кетлиги бошқа барча турлар солиширилади ва ўрганилаётган тур тезда аникланади. Агарда кетма-кетлик базадаги мавжуд бирор бир тўғри келмаса, демак бу янги тур, яъни номаълум тур топилганидан дарак беради. Ҳайвонларнинг шундай соҳаси ўрганиш мақсадида митохондриал ёки ядро геннинг фрагментлари танланди.

### **6-амалий машғулот: Филогенетик дараҳт тузиш (MEGA-5).**

Филогенетик тахлил - BLAST ёки MSA учун аниқ бўлмаган кетма-кетликлар ўртасидаги муносабатларни аниқ кўрсата оладиган шохланган диаграммаларни яратади. Филогенетик дараҳт, шубҳасиз, эволюциянинг ўзаро алоқаларини ва дивергенция модулига мўлжалланган эволюцион ва қиёсий тадқиқотларни учун фойдали ҳамда молекуляр ва биохимик тадқиқотларда ген ёки оксили функциялари тўғрисида гипотезанинг генерациясида муҳим ҳисобланади. Филогения катта соҳа ҳисобланиб, ўз-ўзидан бутун бир курсни эгаллайди. Мақсад фақат филогенетик дараҳт тузишдан ташқари, балки “қирқишиш ва қўйишиш” принципларини тушуниш ва билиш керак бўлади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитишиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуросалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл <b>2,5</b>	Баҳолаш мезони		
			"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Кейс-стади” методи**

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** ДНК дан тайёранган наноқурилма (Гарвард универсиетети олимлари яратган) ва “Ўргимчак” нанороботи (Колумбия универсиетети олимлари яратган) ўзларининг кимёвий таркиби билан фарқланади. Амалиётда кўпроқ уларнинг қайси биридан фойдаланиш қулайроқ?

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:


- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Амалиётда икки нанороботни қўллаш бўйича афзалликлар ҳақидаги маълумотларни жамланг (жуфтликлардаги иш).

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Молекуляр зоологияда хавфсизлик муаммоси”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу: Зоология фани ва тамойиллари. Ҳайвонлар биохилма-хиллигини ўрганишда молекуляр-генетик усулларни қўллаш. Умуртқасизлар молекуляр таксономиясини ўрганишда дунёда ва Ўзбекистонда бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар.**

#### **РЕЖА:**

- 1.1. Зоология фани ва тамойиллари.*
- 1.2. Турлар хилма-хиллиги. Жумбоқли турлар.*
- 1.3. Турлар ичидаги полиморфизм.*
- 1.4. Биохилма-хилликни ўрганишдаги молекуляр-генетик усуллар тарихи.*
- 1.5. ДНК-штрихкодлаш.*
- 1.6. Молекуляр таҳлилларда қўлланиладиган маркерлар, ядро генлари.*
- 1.7. Умуртқасизлар молекуляр таксономиясини ўрганишда дунёда ва Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқотлар.*

**Таянч иборалари:** Биохилма-хиллик, баҳсли турлар, полиморфизм, ДНК-штрихкодлаш, ядро генлари, молекуляр таксономия, Гель-электрофорез, УФ-нури, ТАЕ, агароза, бромистый этидий, ДНК тозалаш тўплами, ДНК-маркер.

#### **1.1. Зоология фани ва тамойиллари.**

Зоология – ҳайвонлар ҳаётини илмий ўрганишдан иборат бўлиб, ҳайвонот олами бўйича инсонларнинг асрлар давомида йиғилган тадқиқотлари асосида яраттилгандир. Инсоният маданиятнинг турли даврларидағи мифологиясида ҳайвонлар ва уларнинг келиб чиқиши тўғрисида тур хил сирли афсоналар тўқиб чиқаришган. Эндиликда эса зоологлар, бу сирли қарашларни ўрганиш учун илм-фаннинг илғор технологиялари ва услубларига таянмоқда. Биз ҳайвонлар хилма-хиллигини тавсифлаш ва унинг систематик тизим асосида ташкил этишнинг ўрганамиз. Биосферанинг барча йўналишлари ўрганишдаги мураккаб ва қизиқарли жараён минглаб зоологлар ҳиссаси асосида қурилади.<sup>1</sup>

Ҳайвонот олами ҳаёт эволюцияси дараҳтининг ўзига хос бўлимини ташкил этади. Бу жуда катта ва қадимги бўлим бўлиб, 600 миллион йиллар илгари кембрий давригача пайдо бўлган. Ҳайвонлар оламини янада каттароқ бўлган эукариотлар деган бўлимга ҳам киритишади. Эукариотлар хужайралари мембрана билан қопланган ядрога эга бўлган организмлардир.

Ҳаёт тарихи кенг кўламдаги ва доимий рўй берувчи ўзгаришни намойиш қиласиди, уни биз **эволюция** деб атаемиз. Ҳаёт шажараси илк ҳаёт

<sup>1</sup> Hickman et al., 2008, 3 бет

шаклларидан бошлаб, ҳозирги кунда яшаётган миллионлаб турларгача ривожланди ва тармоқланди, тобора янги хусусиятлар шаклланди ва аждодлардан авлодларга ўтиб келди. Бу жараён орқали, тирик тизимлар жуда нодир ва ажойиб хусусиятларни яратишдики, унинг ўхшаси нотирик оламда умуман учрамайди. Кутилмаган хусусиятлар, ҳаётнинг эволюцион тарихида, кўпгина турли шажараларда пайдо бўлиб, ҳозирги пайтда кузатилаётган организмларнинг мисли кўрилмаган хилма-хиллигини юзага келтирди.

**Тирик тизимларнинг умумий хусусиятлари.** Ҳаёт эволюциясидаги энг муҳим хусусиятлар кимёвий ягоналик (бетакрорлик); мураккаблик ва иерархик тузилиш; кўпайиш (ирсийлик ва ўзгариш); генетик дастурга эга бўлиш; атроф-муҳит билан ўзаро муносабатда бўлиш ва ҳаракатни ўз ичига олади. **1. Кимёвий ягоналик.** *Тирик тизимлар ягона (такрорланмас) ва мураккаб молекуляр тузилишини намоён қилишади.* Тирик тизимлар, макромолекулалар деб аталувчи йирик молекулаларни бирлаштиради, улар нотирик материянинг кичик молекулаларига нисбатан анчагина мураккаб. Биз биологик молекулаларнинг тўрт асосий тоифасини ажратамиз: нуклеин кислоталари (полинуклеотидлар), оқсиллар, углеводлар ва ёғлар (липидлар). **2. Мураккаблик ва иерархик тузилиши.** *Тирик тизимлар ягона (такрорланмас) ва мураккаб иерархик тузилишини намоён қилишади.* Нотирик материя ҳам ҳеч бўлмаганда атомлар ва молекулалардан тузилган ва у ҳам кўпинча юқори даражадаги тартибли тузилишга эга. Аммо, тирик оламдаги атомлар ва молекулаларнинг ўзаро боғланиш схемалари нотирик оламда учрамайди. Тирик тизимларда шундай иерархик тузилишни кузатамизки, у макромолекулалар, хужайралар, организмлар, популяциялар ва турларни, мураккабликнинг ўсиб бориши тартибида ўз ичига олади. **3. Кўпайиш.** *Тирик тизимлар ўзларини кўпайтира олишади.* Ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки ҳаётнинг илгариги шаклидан кўпайиш йўли билан юзага келади. Генлар янги генларни яратиш учун ўзларини репликация (ўз нусхаларини яратиш) қилишади. Хужайралар янги хужайраларни яратиш учун бўлинешади. Организмлар, янги организмларни яратиш учун, жинсий ёки ножинсий йўллар билан кўпайишади. Популяциялар янги популяцияларни ҳосил қилиш учун қисмларга ажралиши мумкин; турлар ҳам, турланиш деб аталувчи жараён орқали янги турларни ҳосил қилиш учун қисмларга бўлинешлари мумкин. **4. Генетик дастурга эга бўлиш.** *Генетик дастур ирсиятнинг ишончлилигини таъминлайди.* Организмларнинг ривожланиши ва яшаси учун зарур бўлган оқсил молекулалари нуклеин кислоталарида кодланган. Ҳайвонлар ва кўпгина бошқа организмларда генетик маълумот ДНКда жойлашган. ДНК нуклеотидлар деб аталувчи қисмларнинг чизиқли ва узун занжиридан иборат бўлиб, ҳар бир нуклеотид битта қанд фосфатини (деоксирибоза фосфат) ва тўрт азотли асослардан бирини (аденин, цитозин, гуанин ёки тимин, қисқача белгиланиши, мос равишда А, Ц, Г ва Т) ўз ичига олади. Нуклеотидли асосларнинг кетма-кетлиги ДНК молекуласи орқали белгиланадиган оқсилдаги аминокислоталар тартиби учун кодни (максус маълумот) ўз ичига олади. ДНКдаги асослар ва оқсилдаги аминокислоталар кетма-кетлиги ўртасидаги мослик генетик код деб аталади. **5. Моддалар алмашинуви.** *Тирик*

организмлар атрофдаги озиқ моддаларни истеъмол қилиши орқали ўзларини сақлаш қолишиади. Озиқ моддалар тирик тизимларни қуриш (синтез қилиш) ва таъминлаш учун кимёвий энергия ва молекуляр қисмларни қўлга киритиш учун фойдаланилади. Бу муҳим кимёвий жараёнларни биз моддалар алмашинуви (*метаболизм*) деб атамиз. **6. Ривожланиш.** Барча организмлар ўзига хос ҳаёт циклидан ўтишиади. Ривожланиш организмнинг пайдо бўлишидан (одатда тухумхужайранинг сперма орқали уруғланишидан) бошлаб, вояга етишигача бошидан кечирадиган ўзгаришларни тавсифлайди. Ривожланиш одатда шакл ва ўлчамлардаги ўзгаришларни ҳамда организм доирасидаги тузилмалар орасидаги фарқланишни намойиш қиласди. **7. Атроф-муҳит билан ўзаро муносабат.** Барча ҳайвонлар атроф-муҳит билан ўзаро муносабатда бўлишиади. Организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганувчи фан экология деб аталади. Ҳайвонларнинг географик тақсимланиши ва кўплигига таъсир қилувчи омилларни ўрганишга алоҳида қизиқиш намоён бўлмоқда. Экология фани атроф-муҳитдаги қўзғатувчилар орқали қандай таъсирланиши ва ўз моддалар алмашинуви ва физиологиясини тартибга солган ҳолда уларга қандай жавоб қайтаришини тадқиқ қиласди. **8. Ҳаракат.** Тирик тизимлар ва уларнинг қисмлари тизим ичидан аниқ ва назорат қилинадиган ҳаракатни намойиш қилишиади. Тирик организмларнинг атроф-муҳитдан олган энергияси, уларга бошқариладиган ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради.<sup>2</sup>

**Фан тамойиллари. Табиат фани.** Фан - бу табиий олам тўғрисида саволлар бериш ва баъзан бу саволларга аниқ жавоблар олиш усулидир. Фан, замонавий талқинга кўра, инсоният тарихида яқинда (охирги 200 йил ичida ёки шунга ўхшаш) шаклланган бўлсада, табиат тўғрисида саволлар бериш анъанаси қадимдан мавжуд. Бу бўлимда, зоология фан сифатида қандай методологияни қўллашини кўздан кечирамиз. Бу хусусиятлар фанларни илмий билиш тизимидан ташқари бўлган соҳалар, масалан, санъат ва диндан ажратади. **Илмий метод.** Фаннинг ушбу асосий мезонлари *гипотетик-дедуктив* методни шакллантиради. Бу методнинг биринчи қадами қизиқтираётган саволга потенциал (кутиладиган) жавоблар ёки гипотезалар тузишдан иборат. Бундай гипотезалар одатда табиатни бундан олдинги кузатишларига асосланади ёки шундай кузатувларга асосланган назариялардан келиб чиқади. Илмий метод бир қатор қадамлар кетма-кетлиги шаклида қисқача тавсифланиши мумкин: 1). Кузатиш; 2). Савол бериш; 3). Гипотеза; 4). Эмпирик текширув; 5). Хулосалар; 6). Нашр.<sup>3</sup>

Бу соҳадаги ишларнинг улкан ютуқларга эришиши ва кучайтирилишига қарамасдан, ҳозирги вақтда биохилма-хилликни ўрганиш ҳолати даражаси қийин аҳволдадир. Ҳозирги даврда 1,9 млн яқин тирик организмлар мавжуд бўлиб, кейинги 250 йил ичida уларнинг катта қисмига тавсиф берилган. Турли тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳозирги пайтда кўпи ёки ками билан фақатгина умуртқали ҳайвонларнинг (90 % яқин) ва юксак ўсимликларнинг

<sup>2</sup> Hickman et al., 2008. 4-9 бетлар

<sup>3</sup> Hickman et al., 2008. 11-12 бетлар

(85% яқини) турларига тавсиф берилган. Буғимоёқлиларнинг 25 % яқин турлари талқин қилингандан (шу жумладан 10 % ҳашаротлар), 5 % қўзиқорин ва диатом сув ўтлари ва б.к. (Шнеер, 2007).

Инсон хўжалик фаолияти натижасида турлар хилма-хиллиги тез ва фожиали камайишига олиб келмоқда-ки, агарда биз турларни фақатгина классик морфологик усуллар орқали тадқиқот ишлари олиб борадиган бўлсақ, катта эҳтимоллик мавжудки-ки, биз улар устида тадқиқот олиб бориш, хатто кўп қисмини аниқлаш имконига эга бўлмай қоламиз. Ҳозирги даврда дунёда 15000 яқин таксономист-морфолог тадқиқотчилар бор. Ҳозирда ер юзида кўплаб турлар мавжуд бўлиб, қайсики уларни аниқлаш учун дунёда 1-2 мутахасистлар тўғри келади. Ҳисоб-китобларга қараганда, агарда янги турларни аниқлашни жадаллаштириш шароитини 30 маротабага кўпайтирсак, мавжуд бўлган биохилма-хиликни тавсиф этиш учун 25 йил керак бўлар экан (Woodruff, 2001).

2000 йиллар бошида таксономик маълумотларни кенг ва тўлиқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида интерактив каталоглар (Catalog of Life) тузиш таклифларни пайдо бўла бошлиди (Bisby, 2000; Godfray, 2002). Бу вактда бир гуруҳ тадқиқотчилар, пайдо бўлган муаммоларни самарали ечишда ДНК-систематика ёрдам беради дейишиди (Tautz, 2002, 2003). Бундай таклифнинг пайдо бўлишига сабаб секенирлаш технологиясида революцион (Сэнгер-секвенирлаш технологияси) ўзгаришлари бўлди. Алоҳида ДНК фрагментларни, ўртача узунликдаги 1000 ж.н. секвенирлаш bemalol ва етарлича арzon усул бўлиб қолди. Молекуляр-генетик усуллардан фойдаланиб, биохилма-хилик ва систематика муаммоларни тавсиф этиш хаддан ташқари қизиқарли бўлиб қолмоқда. Бироқ, шак-шубҳасиз, фақатгина молекуляр-генетик усуллардан фойдаланишда систематиклар билан ҳамкорликда бўлмасдан, мавжуд турни аниқ баъҳолаш мумкин, лекин уларни тавсифлаш борасида ёрдам бера олмайди. Ҳозирги пайтдаги бу мавжуд нуқтаи-назар асосидаги бу ҳолат шундан иборатки, биохилма-хилликни ўрганиш аниқ гуруҳларнинг мутахасистларига таянган ҳолда ҳамда молекуляр-генетик усуллар асосида амалга ошириш лозимдир (Шнеер, 2007). Бундай қарашларнинг афзаллиги шубҳасиз шундаки, алоҳида олинган кетма-кетликларнинг ДНК-маркерлари у ёки бу турлар вакилларини мутахасист томондан мазкур турнинг дастлабки аниқ идентификацияси қилинмаганлиги кам маълумотлидир (бундай усулдаги биохилма-хиллик кенг тарқалган), лекин факатгина морфологик усулларни қўллаш ҳам, биохилма-хилликни ҳали аниқланмаган қисмини очиб беролмайди.

2003 йили “ДНК-штихкод” усули ёки молекуляр “баркодинг”ни таклиф этишиди. Бу усулнинг замирида шундай фараз мавжудки, қайсики геном соҳасининг унча катта бўлмаган размери топилди (600-800 нуклеотидлар), шундай қилиб, битта тур индивидлари ёки турли хил турлар кетма-кетлиги узунлиги бир хил бўлади. Шундай соҳани ДНК-штихкод (barcode) деб аташди. Объект ДНКсининг бу соҳаси кетма-кетлиги маълум бўлгач, уни маълумотлар базаси (IBOL) билан солиширилади, қайсики объектнинг бу кетма-кетлиги бошқа барча турлар солиширилади ва ўрганилаётган тур тезда

аниқланади. Агарда кетма-кетлик базадаги мавжуд бирор бир түгри келмаса, демак бу янги тур, яъни номаълум тур топилганидан дарак беради. Ҳайвонларнинг шундай соҳаси ўрганиш мақсадида митохондриал геннинг фрагментлари, яъни цитохромоксидазанинг кодловчи 1 суббирлиги (CO1) танланди. Бу усул ҳозирги вақтда жуда кенг тарқалди, маълумотлар базаси (IBOL) доим янги кетма-кетликлари билан тўлдирилмоқда.

Бироқ бу усулда ҳам бир неча камчиликлар мавжуд. Биринчидан, табиий, митохондриал генлар фрагментлари бўйича турлар мансублигини аниқлашга нисбатан эътироф. Бу ҳолатда митохондриал интрогрессия (introgression-интрогрессия – турлар ўртасидаги гибридланиш натижасида бошқа турни генни олиши) билан тўқнашиш келишни мумкин, псевдогенлар мавжудлиги ва бошқаларни ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, фақат митохондриал ДНК кетма-кетлиги билан ядро ДНКси полиморфизмини баҳолай олмаслиги мумкин, бу ҳали аниқланмаган биохилма-хиликни баҳолашда жуда муҳимdir. Шундай бўлсада, бу усул ҳар доимгидай ҳозирда биохилма-хиликни ўрганишда асосий молекуляр-генетик усул бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Систематика ва филогенияда молекуляр-биологик белгиларнинг қўлланилиши ўтган асрнинг 70-йилларида туғилди. Бу вақтда систематик тузилишлар учун эукариоитларнинг нуклеотидлар кетма-кетлигининг 18S, 5,8S ёки 28S рДНК генлари универсал маркер сифатида танланиши, юқорида айтилгандек, сиквенирлаш усулининг такомиллашуви ва материилларни қисқа муддатда олиш ва қайта ишлаш имконини берди. Геномда рибосомал кетма-кетликлар кўплаб нусҳаларда бор бўлиши ва бир неча қисмлардан тузилади, кайсики улардан бири, рибосома функционал суббирлигига тегишли (18S, 5,8S ёки 28S) бўлиб, асосан стабилdir, яъни эволюцион консервативdir, бу ҳолда, ITS1 ва ITS2 ички спайсер кетма-кетлиги, қарама-қарши ўлароқ, эволюцион ўзгарувчандир (лабилний). Консерватив соҳалар полимер занжирли реакциялар биринчи босқичда - праймерларни тадқиқ қилинаётган ДНК- матрицага уланишида, вариабель соҳалар эса, турларни идентификациялашда ҳизмат қилади. Турга хос вариабель соҳаларнинг ўхшашлик даражаси турли хил турларнинг эволюцион қариндошлигини ифодалайди. Рибосомал геннинг айнан бу муҳим ҳусусияти улар қисмларидан турли даражадаги таксономик муаммоларни ечишда фойланилади (Blaxter, 1998; Nadler et al., 2000; Nguyen et al., 2001). Биринчи бўлиб, молекуляр маълумотлар асосидаги классификация тизими Nematoda синфида бўлиб, бундан 15 йил олдин пайдо бўлди (Blaxter et al., 1998). Бу маълумотлар ўша даврда SSU 18S rDNA соҳаси бўйича олинган бўлиб, бу классик системадан бутунлай фарқ қилади.

Систематика ва филогения ўзининг тузилишини «рибосомал» ва «оқилли» дараҳтлар тузиш учун янги улкан усулга эга бўлди, секвенирлаш эса оддийгина лаборант иши бўлиб қолмоқда. (Бу ҳали бизда эмас). Шуни айтиш мумкин-ки, биологияда янги парадигма шаклланди – органик оламнингда барча шаклларида ДНК турли-туман кўринишлари бор.

Бироқ, таклиф этилган молекуляр филогенетик дараҳтларда номувофиқликлар пайдо бўлди. Гоҳида бу тузилишнинг фарқи нафақат

сиквенснинг техник тақомиллашмаганлиги эмас, балки битта лабораторияда олинган маълумотларда ҳам кузатилди. Бунинг сабаблари ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда. Ҳаммаси очиқ ойдин маълум бўляяптики, систематика ва филогенетиканинг сермаҳсул ривожи, морфологик, физиологик ва молекуляр маълумотлари билан биргаликда – организмларнинг систематикиси ва филогенетикасининг синтетик тизимини ишлаб чиқишидир. Шундай қарашлар юз йилликнинг 90 йиллардан бошлаб актив ишланмоқда.<sup>4</sup>

Филогенетик реконструкцияларни юқори такономик даражада бажариш учун бошқа генлар ёки ядро ДНКси соҳалари, масалан, элонгация омили (elongation factor, Ef-la), оқсил иссиқлик стреси генлари, миозинлар, гистонлар фойдаланилади. Шу билан бирга оқсилларнинг аминокислоталар кетма-кетлиги ва РНКнинг иккиласчалик тизимлари ҳам тақосланади. Оила ва авлодлар даражасида эса митохондриал генлар таҳлил қилинади.

Шундай килиб, ҳар қандай йирик таксонларнинг таксономик муаммоларни ечишда “молекуляр” усусларни тўлақонли қўллашда шу гурухга ичига киравчи турлар, авлодлар ва х.к. масштабли нуклеотидлар фарқини ўрганиш ҳамда бу фарқларда аниқланган тадқиқот омиллари, шу жумладан ўрганилаётган популяциялар (“географик” омил) ўзаро узоқлигини таъсирини ўрганишни талаб қиласди.

Ушбу мажмууда эукариот организмларни 18S, 5,8S ва 28S рибосома ДНК кодловчи генлари бўйича идентификация қилишда қўлланиладиган кулагай маркерларни ишлатиш оддий ва тушунарли шаклда тавсифлаган. Ҳамма босқичлар – материал йиғишга оид талаблар, ДНК ажратиш ва ПЦР-амплификация ҳамда филогенетик дараҳт тузиш аниқ ва кетма-кет баён этилган.

Бу қўлланма “Хайвонлар молекуляр систематикиси ва филогенетикаси”ни ўрганувчиларга мўлжалланган бўлиб, молекуляр-генетик маълумотларни асосида ҳайвонлар систематикиси, таксономияси ва филогениясини, морфологик ва физиологик маълумотлар билан бирга кенг қўллаш имконини беришга ҳизмат қиласди.

**Биологик хилма-хиллик тушунчаси.** Биохилма-хилликни ўрганиш биологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо, биринчи навбатда "Биологик хилма-хиллик" тушунчасига нималар киришини аниқлаш зарур. Замонавий концепцияга кўра, организмлар биохилма-хиллилигини барча муҳитлардаги тирик организмлар, қуруқлик, денгиз ва бошқа сув экотизимлардаги экологик комплекслар: тур ичидаги, турлар ва экотизимлар ўртасида хилма-хиллик ташкил қиласди. (*Рио-де-Жанейро, 3-14 июн 1992 йил, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит ва ривожланиш конференциясида қабул қилинган биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция*).

Бунга кўра биологик хилма-хиллик уч типга бўлинади:

- экотизимлар ва ландшафтлар (яшаш жойининг хилма-хиллиги);
- турлар хилма-хиллиги;

<sup>4</sup> Patterson, 1994; Margulis и др., 1996

- генофонд (генетик хилма-хиллик).

Генетик хилма-хиллик ёки генетик полиморфизм – популяцияларнинг белгилар ёки табиатнинг генетик маркерлари хилма-хиллиги [Ramel, 1998]. Генетик хилма-хиллик тур ёки популяция гурухлари, популяцияларнинг генетик хусусиятлари муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Генетик хилма-хиллик генетик маркерларни танлашга, бир қанча ўзгарувчан параметрларда ифодаланади [Leffler, 2012]:

1. Виртуал гетерозиготали -  $\pi$ , яъни, популяцияда икки тасодифий танланган генотипли нофункционал нуклеотид сайт ўртасидаги фарқ нисбати.
2. Локусдаги аллеллар сони.
3. Генетик масофа (популяциялар ўртасидаги генетик хилма-хилликни баҳолаш).

Биз биохилма-хилликни фақат икки турдаги яъни турлар хилма-хиллиги ва популяциянинг генетик полиморфизмини молекуляр-генетик методлардан фойдаланиб ўрганамиз.

## **1.2. Турлар хилма-хиллиги. Жумбоқли турлар.**

Кўп ҳолларда фақат морфологик мезонлар ёрдамида турлар таркибини ўрганиш қийин ёки “бахсли, мужмал турлар”ни ажратиш ҳатто имконсиз [Bickford, 2006]. Бу ҳолда албатта молекуляр генетик методларни қўллаш керак.

Жумбоқли (мужмал) деб номланган турлар, икки ёки ундан ортиқ тур бир тур сифатида тасвирланган (бир номга эга) ва энг камида ташқи морфологик фарқлар кузатилади [Bicford, 2007]. Биринчи, бу турлар молекуляр-генетик усуллардан анча аввал Линней класификацияси қабул қилинган пайтда кашф этилган.

Жумбоқли турлар, шунингдек, ўхшаш турлар ёки эгизак турлар ҳам дейилади. Биринчи марта "эгизак-турлар" атамасини [Майер, 1963] кириктган. "Жумбоқли турлари" термини кейинчалик пайдо бўлди [Henry, 1985], аммо кўпроқ тўғрироқ деб ҳисобланди, баъзи муаллифлар "эгизак-турлар" атамасини фақат қиз турлар учун, қайсики умумий бир шохдан ривожланган турларга хос деб ҳисоблашди. Бирқанча, жумбоқли турлар хақиқатдан ҳам қиз турларга мос келади, бу ҳолларда синоним ҳисоблаш мумкин, аммо кўп муаллифлар ҳаммасини "жумбоқли турлар" деб аташмоқда [Knowlton, 1986]. Бундан ташқари, бир қанча муаллифлар "жумбоқли турлар" ва "псевдомужмал турлар" тушунчаларига ажратган. Аниқланган морфологик белгиларга қараб ажратиш билан бирга мужмал турлар молекуляр-генетик методлар ёрдамида ажратилади. Бу ҳолда турлар "псевдоクリптик" турлар деб аталади [Saez, 2003].

**Симпатрик жумбоқли турлар.** Сўнгги уч ўн йилликларда молекуляр генетик усуллар ёрдамида псевдоクリптик ва жумбоқли турларнинг сони ДНК-кетликлар таҳлил асосида аниқланди [Carr, 2010]. Бу усуллар ПЗР (полимераза занжирили реакция) асосида амплификация методлари ва ривожланиши ҳамда муҳим кўпайтириш усулларига асосланган технологиялар асосида амалга оширилади. Биз тур асоси ҳар доим

морфологик ўзгаришлар билан бирга эмас ва бу ҳолатда, турларнинг ҳақиқий сони ҳам муҳим саналади, бу фақат морфологик кузатишлар асосида изоҳланади. Бироқ, баъзан генетик усуллардан фойдаланиш тасвиrlанган турларнинг сонини ошириш учун эмас балки камайтириши мумкин.

Бир қанча турлар муҳим морфологик хилма-хилликка эга ва баъзи ҳолларда кўп сонли систематиклар морфологик, ранг ўзгариши [Knowlton, 1987]. Генетик таҳлил бир неча турли таксонлар кенжа турлар ва турлар орасида асоссиз генетик изоляция йўқлигини кўрсатади, бу эса чалғитувчи бўлиши мумкин [Nygren, 2011]. Баъзи сут эмизувчиларни ўрганиш тарихида бир қанча турлар алоҳида бир нечта турларга ажратилган ва яна тафтиш қилиш натижасида бир неча морфологик типлар кейин бир тур эканлиги кузатилган [Linnaeus, 1746, 1758; Agassiz, 1862; Haekel, 1879; Mayer, 1910; Kram, 1961]. Бу жумбоқли симпатрик турлар биохилма-хилликни ҳисобини олишда муҳим, популяция тузилиши ва динамикасини ўрганиш, шунингдек, жамоалар экологиясини ўрганиш учун жуда муҳим эканлигини айтиш лозим [De Leon, 2010]. Кўплаб популяция динамикаси (айниқса, денгиз) жамоалари ҳали яхши ўрганилмаган ва буни сабабларидан бири мужмал турлари сони кўплигидир [Eckert, 2003]. Бироқ, турларнинг морфологик маълумотлари ва биологик маълумотлари бир қанча саволлар туғдиради, турлари орасидаги генетик масофалар ва қайсики тур ичида генетик полиморфизмга мос келади. Турнинг биологик концепцияси алоҳида тур сифатида танлаш учун асосий мезон кўра бир тур доирасида организмлар бир-бири билан эркин ва кўпайишда изоляцияланмаган ҳолда кўпайишади [Mayr, 1970]. Симпатрик жумбоқли турлар орасида молекуляр-генетик хилма-хиллик борлиги улар ўртасида чатишиш йўқлиги мураккаб турларнинг мавжудлиги исботидир.

**Аллопатрик турлар ва космополит турлар.** Географик ажralган турлар, географик изоляцияланган турларни ўзаро чатишириш имкони йўқ, бу эса аллопатрик турларни изоҳлашга қатъий далил бўла олмайди. Айrim муаллифлар аллопатрик групҳлар ўртасида дивергенцияни назорат қилишда 3-5% нуклеотидларнинг алмashiшиниши мумкин деб ҳисблайди. Кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра ядро геномининг 5%гача кам ёки кўп фарқ қилиши икки синоним турларнинг чатишишида кам хатоликни келтириб чиқаради. Айrim муаллифларнинг фикрича, бу саволга жавоб топишда турли таксон қиз турлари орасида кўпайиш бўйича изоляцияланган турларнинг дивергенцияси натижасидир. Бироқ, полиморфизм даражаси геном даражасида нафақат юқори таксонлар, балки яқин турлар ўртасида ҳам, шу таксон даражасида ҳам ўзгаради. Кўпайиш бўйича изоляцияланниш ва маълум генетик масофада жойлашиши ишончли боғлиқлик катта генетик масофа деб белгиланган (бу турларнинг пайдо бўлиш вақти) бу эса улар ўртасидаги кўпайиш вақтини белгилайди [Coyne, Orr, 1989, 1997; Sasa, Chippindale, Johnson, 1998; Presgraves, 2002; Mendelson, 2003]. Ҳайвонларда репродуктив тўсиқ *Drosophila* авлоди вакиллари орасидаги симпатрик турлар орасида дивергенция даражаси камроқ аллопатрик ва кўпайишдан кейин кўпайишдан олинги алоҳидаланишга нисбатан тезроқ содир бўлади (пуштсиз ёки стерил дурагайларда [Coyne, Orr, 1989, 1997; Howard, 1993; Butlin, 1995; Hostert,

1997] пайдо бўлади. Бу бепуштлик гибрид турлар ўртасидаги заарли эпистатик таъсирлар изчил аста-секин тўпланиши натижасида ривожланади, бу “турлар хилма-хиллиги соати” деб ҳам аталади [Coyne, Orr, 1989, 1997; Sasaet, 1998; Opp, Turelli, 2001].

Денгиз умуртқасизларидан полихетлар синфининг географик тарқалиши ва турлар таркиби яхши мисол бўлади. Ҳозирги вақтда полихетларнинг 10000 дан ортиқ тури маълум бўлиб гурух ҳамма жойда тарқалган ва улар денгиз экосистемасининг муҳим компонентларидан ҳисобланади, уларнинг географик тарқалиши деярли ўрганилмаган. Полихетларнинг каттагина қисми космополит турлардир. Анъанавий систематик ёндашувга асосан бир тур морфологик жиҳатдан фарқ қилмайдиган турлардан ҳосил бўлади. Ҳозирги замонда полихетларнинг биогеографиясига доир илмий ишлар кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда “кенг тарқалган” кўптукли чувалчангларнинг турларини асослашда классик таксономия усулари космополитизм ходисасини асослашга етарли бўлмай қолди. Кўп холларда юқорида айтилганидек, репродуктив алоҳидаланишга қатъий далиллар топилмади, аммо, кенг қамровли таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки ҳам генетик, ҳам морфологик фарқлар билан бирга турларнинг экологик фарқлари мавжуд. Масалан, *Owenia fusiformis* Delle Chiaje, 1844 (Oweniidae), *Sternaspis scutata* Ranzani, 1817 (Sternaspidae) ва *Scoloplos armiger* (Muller, 1776) (Orbiniidae) турлари ҳамма океанларда, ҳар хил чуқурликларда ва амалда турли хил ҳароратларда учраши аниқланган. Аммо, оҳирги маълумотларга асосан *O. fusiformis* комплекс турлар деб топилмоқда. Ҳозирги кундаги тўлақонли тадқиқотлардан RAPD усули ёрдамида аниқ нуклеотидлар кетма-кетлиги солиштирилмаган. Унинг ёрдамида аниқланишича *Neopetitia (Petitia) amphophthalma* Siewing, 1956 (Syllidae) улар космополит турлар эмас балки *Ctenodrilus serratus* (Schmidt, 1857) нинг алоҳида амфианлантик тарқалган комплекс турлар вакилидир. Кейинчалик ядро ва митохондрия маркерлардан фойдаланиб тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди. *S. armiger* (Orbiniidae) тури В. Блейдорн [Bleidorn, 2006] ҳаммуаллифлигига ўрганилган космополит турдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу турларнинг вакиллари ҳамма жойларда, ҳам литераль, ҳам сувнинг чуқур қисмларида учрайди. Шимолий муз океани худудида бу тур полихетларнинг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Ядро ва митохондрияли маркерлар ёрдамида олиб борилган тадқиқотлардан маълумки *S. armiger* космополит тур ҳисобланмайди, ўзи комплекс тур саналади. Тинч океанида эса иккита *S. armiger* турлари ва икки ёки уч тури Атлантика океанида аниқланган. Яна бир ёрқин мисол, Нигреннинг молекуляр-генетик тадқиқотлари ҳисобланади. Циркумбореаль ва трансарктика турлар ва уларнинг морфологик фарқлари катта қизиқиш уйғотади. Ўтган асрнинг бошланиши ва ўрталарида бир қанча нинатерилилар турлари (денгиз юлдузлари ва денгиз типратиконлари) морфологик белгиларига асосан трансарктика ва циркумбореаль тарқалиши ҳақида илмий ишлар чоп этилган.

Кейинчалик айрим асосий таксонлар қариндош-турлар ҳисобланган. Комплекс денгиз юлдузларининг *Leptasteria* авлоди арктика ва субарктика

турлар ўрганилиши натижасида ўзига Арктика ва Шимолий Атлантиканинг марказий Калифорниядан то Аляскагача бўлган худудда тарқалган 60 турни бириктириши маълум бўлди. Аляска худудидаги комплекс турлар дастлабки уринишларда денгиз юлдузларининг алазим вариацияси сифатида ўрганилган, хозирги вақтда эса кенг қамровли тадқиқотлар, Арктика ва Антартиканинг кўплаб нуқталаридан текширишлар учун тўпланган материаллар кўп сонли генлар аниқланган.

Молекуляр методлар ушбу гурухларни ажратиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шу каби ишлар кўплаб олиб борилмоқда. Жумбоқли турларнинг комплексини тадқиқ қилиш жуда қийин. Аммо, бу каби ишлар ўрганилмаган биохилма-хилликни тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга биохилма-хилликни тадқиқ қилишда мужмал турлар ёки тур ичидаги полиморфизмни ўрганиш жуда муҳим саналади.

**Жумбоқли пайдо бўлиши.** Молекуляр-генетик маълумотлар жумбоқли (мужмал) турларни чуқур сувлардаги моллюскалардан то чучук сув балиқларигача ва тропик капалаклардан то арктика ўсимликларигача алоҳида турларни гурухларга ажратишида генетик дифференциация қилишда морфологик ва географик маълумотларни тўлдиришда, экологик ёки хулқий фарқларни тўлдиришда муҳим саналанади. ISI Web of Science (<http://scientific.thomson.com/products/wos/>) ва Zoological Record Plus (<http://www.csa.com/factsheets/zooclust-set-c.php>) базаларидаги маълумотларни ўрганиш натижасида “жумбоқли турлар” ва “эгизак турлар”га доир охирги 50 йилда 3500 дан ортиқ мақолалар мавжуд. Бундай катта яширин генетик хилма-хиллик жумбоқли турлар сони билан яшаш муҳит ўртасида боғлиқлик бор йўқлиги хақида савол туғилишига сабаб бўлади. Жумбоқли турларга бағишлиланган мақолаларни санасак кўпчилик тадқиқот ишлар у ёки бу гурух ҳайвонлар билан боғлиқ. Кам сонли мақолалар юксак ўсимликлар ва микроорганизмларнинг жумбоқли турларига бағишлиланган. Шундан келиб чиқсан холда олимларнинг у ёки бу гурухларнинг жумбоқли турларини ўрганиши натижасида яқдил бир холосага келиши қийин. Кўпчилик пашшаларнинг космополит турлари турли хил континентларда тарқалган (жумбоқли турлар сони нисбатан камроқ), аммо, кўпчилик моллюскалар билан шуғулланувчи мутахассислар (хаваскорлар чиройли чиғаноқларини теришади) фикрича моллюскаларнинг тарқалиши морфологик хилма хилликка боғлиқ (“парчаланган” турлар). Тропик ва ўлик худудлардан аниқланган жумбоқли турларни санашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумки икки, уч ёритилган турлар тропик минтақалардан топилган, аммо жумбоқли турларнинг ярми ўлик худудлардан аниқланган. Бу эса жумбоқли турларнинг пайдо бўлиш қонуниятини ёритишида ўлик худудлардани топилган турлар кўпчилик тадқиқотчилар томонидан аниқланганлиги билан изоҳланади [Carroll, 2004].

Жумбоқли турларнинг пайдо бўлиши биринчи навбатда организмни аниқлашда морфологик белгиларига асосланади. Юқорида таъкидланганидек турлар хилма-хиллиги хар доим хам морфологик ўзгаришлар билан бирга бўлади [Templeton, 1981].

### **1.3. Тур ичидағи генетик полиморфизм.**

Тур ичидағи ва популяциялар ичидағи полиморфизм жуда күп саволларни келтириб чиқаради. Табиий популяциялардаги генетик хилма-хилликни сақланишининг қандай механизми мавжуд? Популяция ичидағи полиморфизмлик даражаси унинг сони билан боғлиқ-ми? Генетик хилма-хилликни паст даражаси қанчалик ўзгарувчан шароитда мослашиши имкониятини камайтиради? Бу саволлар замонавий популяцион генетиканинг ривожланишига турткы бўлди ва эволюцион генетика ва қиёсий геномиканинг молекуляр-эволюция-нол-гипотезасининг нейтрал назариясини ривожланиши имконини берди [Kimura, 1968; Kreitman, 1996; Fay, 2003]. Бу саволнинг тушуниш учун бундан 50 йил олдинги алозим тадқиқотларида ўзгаришлар юз берди [Crow, 2008; Lewontin, 1974].

Хозирги вақтда севенирлаш технологиясининг революцияси натижасида бу каби саволларга тегишли маълумотларни системалаш ишлари қилинмоқда. Шундай қилиб, турли эукариот таксонлари вакилларнинг нуклеотидларининг ўзгарувчалигини учта локусини қиёслаш орақали иш қилинди [Leffler, 2012]. Бунда таққослаш учун фақат ўзгарган синоним сайtlаридан фойдаланилди. Шуни айтиш керак-ки, ўзгарган синоним сайtlар нейтрал бўлмаслиги ҳам мумкин, ўзгарган синонимлар РНК стабилигига ва сплайсингга таъсири каби маълумотлар мавжуд [Chamary, 2006].

2003 йили Hebert [Hebert, 2003a,b] ўз мақоласини эълон қилди, унда ДНК-штрихкодни асослайди ва бу дастурни ривожлантириши таклиф этади. Бунгача молекуляр-филогенетик тадқиқотларига бағишилаган кўпгина мақолалар эълон қилинган ва битта ва шу генетик маркердан фойдаланиб, ҳайвонларни яқин турларини таққослаш орақали ягона тизим яратиш эди.

#### **Трихостронгилид нематодаларининг полиморфизм гипотезаси.**

Trichostrongyloidea Cram, 1927 катта оиласи – Nematoda синфининг кенг тарқалган таксонлари бири ҳисобланади. Унинг вакиллари кенг доирадаги хўжайинларда паразитлик қилиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида қайд қилинган. Бу катта оиласи йирик вакили Trichostrongylidae Leiper, 1912 оиласи бўлиб, уларнинг ичидаги турлар таркиби ва тарқалиш кенглиги бўйича биринчилардан бири Ostertagiinae Lopez-Neyra, 1947 кенжа авлоди ҳисобланади.

Ostertagiinae Lopez-Neyra, 1947 кенжа оиласига мансуб баъзи бир турларнинг эркак зотлари (кўп ҳолатларда иккита) морфологик шаклларига кўра ўзаро фарқланишга эгалиги таҳмин қилинади (Drozdz, 1995). Бу гипотезага асос бўлган ҳолат – баъзи эркак зотлар бошқа турга мансуб эркак зотлари билан бирга учратиши кузатилди. Жуфтликдаги бу морфалардан (шакллар) бири доминант ҳолатда бўлиб, индивидлари миқдорига кўра доминант ҳолатда бўлади (мажор), иккинчиси эса кам, яъни минор деб аталади. Мажор ва минор морфлардан иборат эркак индивидларни анъанавий тарзда таснифлашда уларнинг спикуласи ва жинсий конуссимон соҳаси бўйича фарқланишларга кўра, турли хил авлодларга кириши аниқланади.

Дастлаб, Ostertagiinae кенжа оиласида *Ostertagia*, *Orloffia*, *Teladorsagia*,

*Marshallagia* ва *Spiculopteragia* авлодларининг морфаларини аниқлаш орқали ўн тўртта полиморф турларга ажратилган эди (Drozdz, 1974). Улардан бешта авлоди мажор формаларга (*Ostertagia*, *Orloffia*, *Marshallagia*, *Teladorsagia*, *Spiculopteragia*) ва тўрта авлоди эса минор турларга (*Skjabinagia* Kassimov, 1942; *Grosspiculagia*; *Rinadia*; *Apteragia* Jansen, 1958) ажратилди. Кейинчалик бу рўйхат ўн тўқизтага кенгайтирилди (Drozdz, 1995). Шундай қилиб, қувушшохлилар сўйилиб қўрилганда *Skjabinagia* “турлари” доим *Ostertagia* авлоди мажор турлари билан биргаликда учрашлиги қайд этилди. Ўз навбатида *Rinadia* ва *Apteragia* авлоди “турлари” ҳам сони жиҳатдан кўп учровчи *Spiculopteragia* авлоди турлари билан, *Grosspiculagia* “турлари” эса *Marshallagia* авлоди турлари билан учради. Бунда ҳар қайси жуфтлик маълум тур белгилари билан ўхшайди, лекин авлод белгилари билан фарқ қиласди. Ҳар бир популяцияда мажор ва минор формаларнинг хиссалари, одатдагича, ҳар қайси жуфтлик учун ўзгармай қолади. Йиғилган маълумотлар асосида шундай **гипотезага** келиш мумкин-ки, бу жуфтликлар битта турнинг полиморф формалардир, қайсики морфологик жиҳатдан фарқланади ва шунинг учун турли авлодларга жойлаштирилган (Drozdz, 1995).

#### **1.4.Биохилма-хиликни ўрганишда молекуляр-генетик усуларнинг қўлланилиш тарихи.**

Биохима-хилик ва систематикани ўрганишда 1960-1970 йилларда Аллозим технологияси (изофермент) анализи ишончли жойни эгаллади. Бу изоферментлар полиморфизмни очилиши билан боғлик. Фосфолипидлар таркиби бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Паразит нематодалар турининг популяцион структурасини аниқлаш учун биринчи навбатда турли ферментлар, оқсиллар электрофорези методларини қўллашга асосланган. Бунда криптик турларни аниқлашда электрофорез ҳарактида оқиллар изоформаларни бўлиниш усулидир.

Бу методлар кўп меҳнат талаб қилувчи ва аниқланадиган ферментларнинг етарли даражада турғун (стабил) бўлмаслиги боис ҳамиша ҳам ишончли эмас эди. Шунга қарамасдан, муҳим натижалар олинган. Муҳим ишлар гуруҳига италиялик проф. Л.Паджининг тадқиқотларини киритиш зарур. Унинг раҳбарлигига денгиз ҳайвонларининг паразит аскаридалари асосий ферментларнинг ўзгарувчанлик спектрлари тадқиқ қилинди. Жумладан, *Pseudoterranova decipiens* нематодаси популяцион структурасини ўрганиш учун 16 та энзим локуси, шу жумладан бир нечта малатдегидрогеназа, эстеразалар ва бошқа ферментлар ишлатилди (Paggi et al., 1991). Бу ферментларнинг спектрларидағи аник фарқлар ушбу нематоданинг шимолий атлантика популяцияси учта генетик мустақил турлардан иборатлигини кўрсатди (A, B, C). Факат бир марта дурагай индивид – A ва B шакллари чатишишининг ҳосили аниқланди. Паджи ва ҳаммуаллифларининг кўрсатишича, ҳар бир учталик шакл (форма)лар чегарасида генетик хилма-хилликнинг даражаси жуда кам бўлиб, ушбу формалар ўртасида эса анча катта (ҳар бир гурух ичидаги фарқдан икки даражада кўп). Ушбу уч гуруҳининг ажралиш даври 2-4 миллион йилни ташкил этади. Ферментларни

тадқиқ этиш натижасидагина ушбу уч гурух ўртасидаги морфологик фарқлар, шунинг учун уларнинг географик тарқалиш хусусиятлари аниқланди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу формаларнинг ҳар бирига ўзига хос хўжайинлари мавжуд.

Худди шундай ишлар *Ostertagiinae* кенжа оиласи нематодларининг таксономик ҳолати бўйича кўп изланишлар олиб борилган. Жумладан, *Teladorsagia* (=*Ostertagia*) авлодини учта, *T. circumcincta*, *T. davtiani* ва *T. trifurcata* турлари статуси борасида ноаниқликлар мавжуд эди. Кейинчалик, бу турларни аллозим анализи асосида кўриб чиқиб, улар битта турнинг турли морфалари деган хulosага келишган (Andrews & Beveridge, 1990).

Янги услублардан фойдаланиш, хусусан ПЗР, полиморф турлар борасидаги муаммоларни ечишда ва янги маълумотларни олишда имкон яратди. Бундай амалга оширилган тадқиқотларда *Ostertagia gruehneri* Skrjabin, 1929 ва *O. arctica* Mizkewitsch, 1929 турларининг ITS-1 ички транскрипцияланувчи спейсер) ва ITS-2 соҳалари бўйича нуклеотидлар кетма-кетлиги солиштирма тарзда ўрганилганда, яққол тарздаги фарқланишлар қайд қилинмаган бўлиб, бу ҳолат уларнинг битта турга мансуб эканлигидан далолат беради (Dallas et al., 2000). Бундай амалга оширилган тадқиқотларда *Teladorsagia circumcincta* (Stadelman, 1894), *T. trifurcata* (Ransom, 1907) ва *T. davtiani* (Andreeva et Satubaldin, 1954) турларини рибосома ДНКси таркибида ITS-2 соҳаси (ички транскрипцияланувчи спейсер) солиштирма тарзда ўрганилганда яққол тарздаги фарқланишлар қайд қилинмаган бўлиб, бу ҳолат уларнинг битта турга мансуб эканлигидан далолат беради (Stevenson et al., 1996, Амиров ва бошқ., 2014).

## 1.5. ДНК-штрихкодлаш.

Аслида нима таклиф қилинган эди? Фойдаланилайдиган намунадан ДНК ажратишида, биринчи навбатда таксономик таркиби шу соҳадаги эксперт томондан ҳар томонлама аниқланган ва ваучер намунанинг сақланган бўлиши керак. Агарда, намуна жуда кичик бўлса ва ундан бирор қисмидан ДНК ажратишини имкони бўлмаса, унда аниқ фотографияси бўлиши шарт (е-ваучер). Генбанк (GenBank) базасидаги маълумотларнинг аниқ эмаслиги ва муаммолардаги хатолар алақачон илмий адабиётларда мухокама қилинмоқда. Сўз, секвенирлаш ҳатосида, намунадаги турларни таксономиясини аниқлашда бепарволик (этикетларни чалкаштириш, материални етарлича текширмаслик) ёки объектив сабаблар таъсирида, вариабельлик ҳолларда ва ёмон ажралувчи турлар хусусида боради [Tautz, 2002; Harris, 2003; Vilgalys, 2003]. Масалан, айрим гурух қўзиқоринларнинг нотўғри аниқланиши, то 20 % ташкил қилиши мумкин [Bridge, 2003; Nilsson, 2006]. Намуналарнинг йифиш тизимида аниқ маълумотлар учун алоҳида аҳамият берилади (йифиш жойи, аниқ координатлари, йигувчининг фамилияси). Илгари маълумотлар базасида бундай фикрлар мухокама қилинган, лекин ҳозирда бундай маълумотлар албатта бўлиши шарт. Барча организмлар учун хос бўлган маркер танлаш идеяси мавжуд эди. Мисол учун, ҳашаротлар систематикасига бағишлиланган обзорда [Caterino, 2000],

муаллифлар маркерларни стандартизация қилиш мұхимлигини мұхокама қилишди, шундай қилиб, турли тадқиқотчилар, турли маркерларни алоҳида гурухлари бүйича яхши самарасини ҳисобға олдилар (асосан қуий таксономик даражадаги гурухлар учун), натижада қиёслаш ва умумлаштира олмадилар.

Танланадиган ягнона **ген** қуидаги хоссаларга эга бўлиши керак: у нисбатан қисқа фрагментли соҳа бўлиши керак, етарлича вариабель бўлиб, яқин қариндошлиқ турларни ажратиши, бунинг учун бу фрагмент ўзидан ён томонларда консерватив соҳа бўлиши керак (етарлича консерватив бўлиши, чунки кенг ўзига хос праймерлар билан амплификация қилиниши керак). Секвенирлаш енгил ва арzon бўлишлиги учун нисбатан кичик размердаги фрагментлар (700-800 ж.н атрофидаги) бўлишлиги керак. Текислашни оддий бўлишлиги учун унда бўлиниш (инделей) таркиби кам бўлиши керак. Стандарт ген сифатида 5' фрагменти, оқсил митохондриясининг цитохром-оксидаза кодловчи 1 суббирлиги (CO1 ёки соx1) танланди, қайси-ки илгари турлар ўртасидаги ўгарувчанлик даражасини яхши кўрсатган [Moore, 1995]. CO1 гени тадқиқ қилинган митохондриал геномларнинг ҳаммасида иштирок этади, у 1540 нуклеотидларни ўз ичига олади, қиёсий тадқиқотлар учун одатда унинг вариабель қисми яқин 650 ж.н. фойдаланилади. Унинг амплификацияси учун стандарт паймерлари яратилди [Folmer, 1994; Zhang, Hewitt, 1997].

Ядро генларига нисбатан митохондриал генлар билан ишлаш анчагина қулай. Бу генларни енгилгина амплификация қилинади (айникса бузилган материаллар), ҳар бир хужайрада 100-10000 митохондрийлар бор. Митохондриал геномнинг полиморфизм даражаси ядро геномига нисбатан анча юқори (5-10 марта), интронлар сақламайди. 2000 йиллардан бошлаб митохондриал ген билан турларнинг аниқлаш ва ажратишни исботлашга оид кўргина ишлар чоп этилди. Асосийси тадқиқотчилар учун қулайлиги, лекин маркернинг етарли даражада сифатлилигидир. Шунинг учун-ки CO1 геннинг фрагментлари фақатгина турларни аниқлашда (ҳайвонларда) фойдаланиш мумкин, бу борада кўплаб ишлар бажарилди.

Ҳайвонларнинг турли гурухларига мансуб 13000 ошиқ жуфтликдаги турларида CO1 гени фрагментлари билан тақосланган [Hebert, 2003a] бўлиб, турли хил тур организмлари 2% камроқ фарқ қиласди, битта тур организм учун эса 1% ошмайди [Hebert, 2003b]. Тадқиқ қилинаётган ҳайвонларнинг бу кетма-кетликнинг ички ва турлар ўртасидаги фарқланиш (диверганция) даражаси 5-20 мартаға фарқ қиласди. Кўргина тадқиқот ишларда CO1 генлари фрагментлари билан тўғри идентификация қилинган гурухлари 96-100% ташкил қиласди.

Хеберт ва унинг хаммомуалифлари 2004 йилда CO1 гени фрагментлари асосида ДНК-штрихкоднинг самарасини исбот қилиш бўйича 4та иш чоп этишди. Улар турли гурух ҳайвонларда бажарилган, капалакларда (Hebert, 2004a), күшларда [Hebert, 2004b], ўргимчакларда [Barrett, Hebert, 2004] ва оёқдумлиларда [Hogg, Hebert, 2004]. Муаллифлар ўзларининг маълумотлари ва ҳамда генбанк базаси маълумотларидан фойдаланишди. Одатда,

Кимуранинг иккапараметрли модулидаги масофаларни ҳисобга олган ҳолда кетма-кетликнинг фарқини топишиди [Ней, Кимура, 2004] ва ички ва тур ўртасидаги вариабелликни таққослашди. Айрим ҳолатларда самарали таксономик идентификация қилинганларига баъҳо берилди, бунинг учун ўрганилган битта турнинг кетма-кетликлари олинди, дараҳт қилинди (яқин қўшнилар усули), кейин навбат билан бошқа индивидларнинг кетма-кетликлари қўшилди ва бу турлар кластер қилинди ва текширилди.

2004 йили Шимолий Американинг қушлари бўйича иш эълон қилинди [Hebert, 2004b], бунда илгари морфологик аниқланган, ўрнатилган ДНК-штрихкод ёрдамида турлар ўртасидаги тегишлилик текшириб кўрилди. CO1-кетма-кетлиги бўйича турлар ўртасидаги фарқ, ички турларга қараганда 19-24 марта кўп (тегишли 7,05-7,93%, қарама-қарши 0,27-0,43%) эканлиги аниқланди ва маълумотларга баъҳо берилди.

Канада Артикасидан оёқдумлиларнинг (*Collembola* туркуми) 13 авлодига мансуб 19 тури ўрганилди (ҳар бир вакилидан 1-3тадан). Битта авлодга мансуб бўлган турлар ўртасидаги фарқлар 8-19 % ташкил этди-ки, бу ҳолда битта турнинг идивидлари ўртасидаги фарқлар эса кўпинча 1 % кам бўлди. Бу ишда учратилган иккитасидаги фарқланиш (дивергенция) истисно тариқасида (5 и 13%), муаллифлар бунга бир-бирига ўхшаган “эгизак” турларнинг ҳали аниқланмаган далили деб ҳисобладилар.

Натижада Хебертни “штрихкоднинг отаси” деб атай бошладилар [Marshall, 2005] ва уни ҳаммуаллифлари шу хulosага келишди, ДНК-ШК ҳали тавсифи берилмаган турлар ва янги турларни идентификация қилиш яроқлидир, бу тўлиғича исбот қилинди. Бунда CO1- фрагменти бўйича ички ва турлар ўртасидаги фарқ 10 мартағача фарқ килиши (10xSST - species-screening threshold) таклиф этилди ёки турлар кетма-кетлиги ўртасидаги фарқ тахминан 2-3 %, турларни аниқлаш чегарасидир [Hebert, 2004b]. Иккинчи критерий ўзаро (реципрокной) монофил бўлиш, жумладан кетма-кетликни ўрнини тўлдириб бўлмаслиkdir.

## **1.6. Молекуляр таҳлиллар учун фойдаланилдиган генетик маркерлар, ядро генлари.**

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқган ҳолда маълум бўлдики, тадқиқотчиларнинг ҳамма талабларга жавоб берадиган ягона маркер танлаш мумкин эмас. Турларни тўғри аниқлаш ва ажратиш, тур ичидағи ва популациялар ичидағи полиморфизм даражасини аниқлаш ҳамда филогенетик дараҳтлар тузиш учун бир неча маркерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Мисол учун симпатирик турларни ажратиш учун, яъни турлар ўртасида чатишиш бор йўқлигини исботлаш учун ядро ва митохондриал маркерлар фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бироқ, идеал маркер талабини тузиш мумкин [Cruickshank, 2002].

1. У геномда битта нухсада бўлиши керак. Агарда кўпнусхали генлардан фойдаланилганда, нусхалар нуклеотидлар кетма-кетлигидан фарқ қилиши мумкин, ҳаммасидан ёмони, бўлиниш ва қўшимчаларни бўлиши (рРНК кодловчи ички транскриб бўлмаган спейсер генлари), ПЗР маҳсулотларини

векторда “клонирование” ишларини қилиш ва кейинчалик бир неча бактериал клонлардан қўйилган плазмидаларни секвенирлаш, бу эскирган кенг таҳлилларни қилиб бўлмаслигига ёки кўп харажатлиликга олиб келади [Patwardhan, 2014].

2. Шундай қилиб, кейинги таҳлиллар учун қабул қилинган маркерлар сифатидаги ген кетма-кетлиги, бошқа организмларнинг шу генини кетма-кетлиги билан текислаш процедурасидан ўтиш керак, текислаш осон амалга оширилиши керак. Бу шуни билдирадики, таҳлил қилинадиган кетма-кетлик узунлиги бўйича катта фарқ қиласлиги, қўшиш ва бўлинишлар кўп бўлмаслиги лозим. Бироқ, айрим ҳолларда кўрилаётган соҳани текислаш қийин бўлиши ёки иккиласми тизимдагини қиёслаш (тРНК), бундай кетма-кетликларни ишлатиш мумкин бўлади [Kjer, 1995].

3. Аҳамиятга эга бўлган маълумотни олиш учун алмаштириш сони оптималь бўлиш керак. Агар генни эволюцияланиши тез бўлса, бу гомоплазияга олиб келади, бу олинадиган маълумотларни ишончлилигини пасайтиради. Бошқа томондан, консерватив соҳанинг (масалан, рРНК кодловчи) яқин кетма-кетлигини такқослашда (ёки яқинда ажралган турлар) бу генетик таҳлил билан уларнинг ажратиб бўлмайди [Patwardhan, 2014].

4. Фрагментларни амплификация қилишда ишлатиладиган праймерлар геннинг консерватив соҳасига мос бўлиши, чунки ўрганилаётган систематик жиҳатдан узоқ бўлган организмларни фрагментларини амплификация қилиш мумкин бўлади. Бироқ, улар ниҳоятда “универсал” бўлмаслиги керак, тескари ҳолатда геномнинг бошқа соҳаларини ўзига хос бўлмаган амплификацияга олиб келади [Yli-Mattila, 2000].

Куйида кенг тарқалган ядро ва митохондрила маркерлар кўриб чиқилади.

**Рибосомал РНК (рРНК) кодловчи ядро генлари.** Рибосомал генлар ўзининг универсаллиги ва юқори консерватив ва вариабель доменларини бўлиши билан маркерлар ичida энг яхшилари ҳисобланиб, нисбатан узоқ гуруҳларни ҳам филогенетик алоқаларини ўрганишда фойланилади [Patwardhan, 2014]. Ҳамма организмларда рибосомалар асосан икки суббираликларда, кичик (18S – эукариотларда ва 16S – қолган ҳаммасида) ва катта. Бактериялар ва археобактерийларда катта суббираликнинг икки вариантда: 5S, 5,8S ва 25S/28S. рРНКнинг ички тизими катта ва кичик суббираликлари, тегишли 10 ва 8 вариабель соҳаларни ҳосил қиласида. рРНК оқсилкодловчи генларга нисбатан камроқ эволюциялади [Schmidt, 2007].

**16S рРНК** – фойдаланилган маркерлар ичida биринчиларидан биридир. Биринчи бўлиб, ПЗР ва секвенирлаш давридан олдин, 1960 йилларда Dubnau ва ҳаммуалифлари 16SPRNK кетма-кетлиги таҳлили учун *Bacillus Cohn*, 1872 авлоди турларида қўллашди [Dubnau, 1965]. Бироқ, Возанинг [Woese, 1987] классик ишларидан кейин, бу ген бактериялар таксономиясида қўлланила бошлади. Бу геннинг кетма-кетлиги узунлиги 1550 ж.н. иборат бўлиб, турли гуруҳ бактериялар учун олигонуклеотид “имзолари” хусусиятга эга бўлиб, ҳам вариабель ва ҳам консерватив соҳаларни ташкил этади [Clarridge, 2004]. Ҳозирги вақтда секвенирлашни янги авлодлари қўллаган ҳолда метагеном

тадқиқотлардан фойдаланилмоқда (одатда 4-5-4 секвенирлаш, бунда ўқиш катта узунликда бўлади).

**5S рРНК** – 120та нуклеотидли кўпгина организмларнинг рибосомаларида қанташувчи юқори консерватив кетма-кетлик бўлиб, айrim кўзиқоринлар, айrim ҳайвонлар ва кўпчилик противистлардан ташқари, ўсимликларнинг филогениясини тузишда фойдаланилди [Trotskii, 2003]. Бироқ, қисқа размерда бўлганлиги учун, ишончлилик ва аниқлиги тегишли ишларда анча паст.

**28S рРНК** – узунлиги 1000 нуклеотиддан ошиқ. Унинг кетма-кетлиги кўпгина кўпхужайрали ҳайвонларда аниқланган. Унинг иккиламчи тузилишини таққослаш ва шу таққослаш асосида филогениясини қуриш – филогенетик таҳлиллар учун асосий инструментdir. Айrim ҳолларда бу геннинг тўлиқ размери эмас, уни фрагментлари фойдаланилди (400 нуклеотидга яқин С2-С3 соҳалари) [Schmidt, 2006].

**18S рРНК** – бу геннинг тўлиқ размери 1800 нуклеотидга яқин бўлиб, филогенетик дараҳтларда кенг қўлланилди, айrim ҳоллада эса турни идентификация ва ажаратишида ишлатилди. Қолаверса, вариабель соҳасининг бўлиши билан у ген яқин турларни ажратада олмаслиги мумкин, умуман олганда кетма-кетлик етарлича консерватив. Кейинги вақтларда филогенетик анализлар учун 18S, ҳамда 28S рРНК генлари ишлатилмоқда. рРНК 18S гени кўпинча инфузорийлар ва бошқа содда ҳайвонлар турларини аниқлаш мақсадида метагеном таҳлилида қўлланилмоқда.

Шунга қарамасдан, рибосомал генлар шак шубҳасиз кўпкопияли, қоидадан ҳоли сифатида улардан фақат биркопияли генлар маркерлари сифатида кўрсатишади. Уларнинг фойдаланиши мумкин унинг юқори консерватив туфайлиdir, геннинг ҳамма нусхалари бир хил. Хромасомада, генлар, рРНК кодловчи генлар оралигини такил қилувчи ички транскриб спейсери дейилади (Internal transcribed spacer, ITS).


**ITS** – кодланмайдиган кетма-кетлик, шунинг учун уларда рибосомал ва оқсилкодловчи генларга нисбатан полиморфизм ниҳоятда юқори. Уларнинг праймерлари универсал ва ҳар қандай таксономик групкалар тегишли фрагментларини амплификация қилишда фойдаланиш мумкин [Persson, 2000], масалан, сув ўтлари, юқори ўсимликлар ва умуртқасиз ҳайвонлар, ундан ташқари, кўзиқоринлар учун ҳам ишлаб чиқилган, қайсики молекуляр штрихкод сифатида қўлланилмоқда.

Шу ўхшаш универсал праймерлар боғлиқлиги, уларнинг кетма-кетлиги рРНК кодловчи тегишли 28, 18 или 5,8 консерватив кетма-кетликлари генларига мос келади. Бу маркерларни камчилиги, биринчи навбатда, бир неча кетма-кетликларни текислашни қийинлиги, чунки, уларнинг узунлиги турли турларда сезиларли даражада фарқ қиласи, йўқотилиш ва қўйилишлар бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар доим ҳам улардан фойдаланила олмаслик мумкин, масалан турарни ажратишида, чунки ITS ва рРНК кодловчи генлари кўпнусҳали, лекин рибосомал генлардан фарқи, битта организм бир неча нусхада ITS бўлиши, узунлиги ва йўқотилиш ва қўйилишга эга бўлиши билан фарқланади [Jousson, 2001]. Бироқ, бу ҳамма организмларда ҳам одир

бўлмаслиги мумкин, кўп ҳолларда бу маркердан яқин турларни ажратишида фойдаланиш мумкин бўлади.

## 1.7. Умуртқасиз ҳайвонлар молекуляр систематикаси ва таксономияси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар.

Стронгилидлар паразит нематода гурухлари орасида эволюцион ҳолати жиҳатдан яхши самарали ҳисобланади. Уларнинг кенг кўламдаги хилма-хиллиги XX асрда тадқиқчиларнинг бу нематодаларни *Strongylida* Railliet et Henry, 1913 отрядига ажратишига олиб келди. Уларнинг эркин яшовчи нематодалар – рабдитидалар билан кўп жиҳатларининг морфологик ўхшашлиги анчадан бери маълум эди. Нематодалар систематикасида молекуляр методларнинг кенг қўлланиши стронгилидларнинг статуси масаласини тиклади, чунки рибосомал кетма-кетликнинг таҳлили натижаларига кўра стронгилидлар рабдитидларнинг бир йўналиши эканлигини кўрсатади (Aleshin et al., 1998; Blaxter et al., 1998; Sudhaus, Fitch, 2001). Стронгилидларнинг тупроқдаги *Heterorhabditidae* (Poinar, 1975) оиласи энтомопатоген нематодалар билан муайян филогенетик боғлиқлиги аниқланган.



Расм. Нуклеотидларнинг SSU асосидаги Нематода синфининг филогенетия гипотезаси.

Стронгилидларнинг қариндошлиқ алоқалари тўғрисидаги тасаввурлар П.Де Лей ва М.Блакстер (Blaxter, De Ley, 2002) таклиф қилган нематодалар синфи системасида ўз аксини топган. Бу система стронгилид (даражаси) (*Rhabditida* Chitwood, 1933 отряди таркибидаги *Strongyloidea* Weinland, 1858) катта оила даражасига туширилади. Стронгилид таркибидаги катта оилалар оила даражасига туширилди: *Strongylidae* Baird, 1853; *Trichostrongylidae* Leiper, 1912; *Metastrongylidae* Leiper, 1908 ва *Ancylostomatidae* Looss, 1905. Шу билан бирга бу катта оилага *Heterorhabditidae* Poinar, 1975 оиласи муаллифлар томонидан киритилган. Стронгилидлар даражасининг бундай ўзгаришлари кладистик ва анъанавий ёндошувлар ўртасидаги ўзаро келишилиб, улар *Trichostrongylidae* оиласининг “ички” таксономик структурасини ўзгартирган.

## **Паразитлар молекуляр таксономияси бўйича Ўзбекистондаги тадқиқотлар.**

ЎзР ФА ЎХОГИ Молекуляр биология ва биотехнология лабораториясида турли гуруҳ ҳайвонлар паразит гельминтларнинг турлар таркиби, молекуляр таксономияси, филогенияси ва систематикасини ўрганиш муаммолари билан шуғулланади. Шу жумладан, туёкли ҳайвонлар нематодаларининг морфологияси, молекуляр диагностикаси ва уларнинг сонини назорат қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Ҳозирда *Metastrongylus*, *Dictyocaulus*, *Protostongylus*, *Spiculocaulus* ва *Cystocaulus* авлодларининг 9 тури ва *Haemonchus*, *Ostertagia*, *Marshallagia*, *Telodorsagia* ва *Setaria* авлодларининг 8 тури бўйича 50 ортиқ рибосомал ДНКси ITS ва 28S соҳасининг нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилинди. Аниқланган нематодалар ичидан 5та тури ҳалқаро Генбанк (NCBI) базасига жойлаштирилди ва у учун янги ҳисобланди (Abramatov et al., 2013; Kuchboev et al., 2015; Амиров и др., 2014, Амиров ва бошк., 2015).

Биоинформатик таҳлил қилинган ITS соҳасининг нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида ўпка нематодаларини тезкор аниқлаш мақсадида турларга хос бўлган алель праймерлар яратилди. Бу ихтиро учун ЎзР интелектуал мулк агентлигига патентлаш учун талабнома берилди. Бу келажакда ветеринария амалиётида паразит нематодаларнинг молекуляр диагностикаси учун ПЗР тизимида фойдаланиш мумкин бўлади.

Ундан ташқари қўй ва қора молларда паразитлик қилувчи ва шу вақтгача олимлар ўртасида кескин мунозарага бахсга сабабчи бўлган гемонх нематодасининг иккита тури устида молекуляр- генетик тадқиқот ўтказилди. Бу усул ёрдамида гемонх турларни рибосомал ДНКсининг ITS-2 ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижада бу турларнинг алоҳида- алоҳида тур эканлигини тасдиқлаш имконини берди (Кучбоев и др., 2012, Abramatov et al., 2013). Олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги Генбанк базасига жойлаштирилди (NCBI).

Иккита протостронгилид нематодаси учун турга хос бўлган праймерлар яратилди ва ихтирони Патентлаш учун буюртма берилди.

Лабораторияда фан доктори, фан номзоди, учта кичик илмий ходимлар фаолият юритади ва учта амалиёт хоналари: молекуляр биология, ламинар бокс, автоклаф ва центрифуга хоналари ҳамда илмий ходимлар учун мўлжалланган иккита хонада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.

Лаборатория илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун керак бўлган барча замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган.

### **Назорат саволлари:**

1. Геносистематика нимани ўргатади?
2. Биологик хилма-хиллик терминини аниқланг ва тушунтириинг?
3. Жумбоғли турлар деганда нимани тушунасиз?
4. Турлар ичидаги полиморфизм нима?
5. «Эгизак-турлар» терминини фанга ким киритган?
6. ДНК-штрихкодни тушунтириб беринг?
7. Ҳайвонлар молекуляр систематикаси ва филогенияси учун қайси ядро маркерларидан фойдаланилади?
8. Қайси ҳайвонот олами гурухлари учун молекуляр систематика яратилған?
9. Ўзбекистонда умуртыасиз ҳайвонлар молекуляр идиентификацияси ва таксономияси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. De Ley P., Blaxter M. Systematic position and phylogeny // The biology of nematodes / Ed. by D.L.Lee. L.; N.Y.: Taylor and Francis, 2002. P. 1-30.
2. Hebert P. D. N., Cywinska A., Ball S.L., de Waard J.R. Biological identifications through DNA barcodes.// Proc. R. Soc. Lond. . - 2003. -V.

**2-мавзу: Молекуляр-генетик таҳлиллар учун зоологик намуналарни йиғиши талаблари. Геном ДНКсини ажратиш. Амплификация - ПЗР услубини асосий тушунчаси. ПЗР-амплификация.**

**РЕЖА:**

- 2.1. Молекуляр-генетик таҳлилларда зоологик намуналарни йиғиши талаблари.*
- 2.2. Стандарт фенол-хлороформ ва коммерциялы реагент түпламлари ёрдамида умуртқасизлар намунасидан геном ДНКсини ажратиш.*
- 2.3. ПЗР-амплификация ўтқазиши.*
- 2.4. ПЗР учун керакли митохондриал ва ядро маркерларини танлаш.*

**Таянч иборалар:** деструктив ўзгариши, диктиокеуллар, гемонхлар, паробнемалар, контаминация, Гель-электрофорез, УФ-нури, ТАЕ, агароза, бромистый этидий, ДНК тозалаш түплами, ДНК-маркер.

**2.1. Молекуляр-генетик таҳлилларда зоологик намуналарни йиғиши талаблари.**

**Зоология** кузатув **объекти** – кўп хужайрали (*Animalia*) ва бир хужайрали организмлар (протистлар ҳисобланади). Молекуляр- генетик таҳлил учун намуна сифатида кузатилаётган умуртқасиз ҳайвон ҳажмига қараб бутун организмлар (ўлчами камидаги 1 см), тана қисмлари, тўқима ва ички органлар бўлаклари хизмат қилиши мумкин. Маъқбул намуна ўлчами - 5 мм x 2-3 мм, оғирлиги 0.1 дан 5 г гача. Молекуляр- генетик таҳлил учун зарур бўлган материалларни тўплаш жараёнида керакли намуна ДНК молекуласини деструктив ўзгаришини олдини олиш мақсадида 70°C ли чуқур музлатув ҳолатига туширилиши ёки, 70% ли этанол эритмасида ( $C_2H_5OH$ ) белгилаб қўйилмоғи зарур. Тутиш жараёнидан кейин организм нобуд бўлса, намунани қайд қилиш, 20-30 дақиқа мобайнида амалга оширилиши зарур. Текширилаётган ҳайвон намуналарни формальдегид эритмаси билан қайд қилиниши, яроқсиз ҳисобланади, чунки қуйидаги бу модда ДНКга жиддий таъсир кўрсатади, таназулни олиб келади ва таҳлил натижаларини қисман ёки тўлик бузилишига сабаб бўлади. 70% ли этанол эритмасида қайд қилинган намуналарни музлатгичда сақланиши мақсадга мувофиқ бўлади, агар бундай шароит бўлмаса, хона ҳароритида қуёш нури тушмайдиган жойда сақланиши тавсия қилинади. Сақлаш учун 1-2 мл пробиркалардан (эппендорфлар) фойдаланилади.


## **2.2. Стандарт фенол-хлороформ ва коммерцияли реагент тўпламлари ёрдамида умуртқасизлар намунасидан геном ДНКсини ажратиш.**

ДНК ва РНК ажратишни таъминлашда бир қатор приоритет талабларни ажратиш мумкин:

- биологик материални лизиси;
- селектив экстракция (сорбция);
- катта хажмда тўплаш;
- ПЗР сусайтирувчи компонентлардан ажратиш;
- ДНК ва РНК ажратиш;
- юқори фоизда чиқиши;
- калибровка мумкинлиги ва ижобий назорат;
- контаминациянинг йўқлиги;
- кам вақт сарфланиши;
- автоматизациянинг мумкинлиги.

Эукариот организмлардан нуклеин кислоталарни ажратиш ва фракциялашда традицион ва коммерсион тайёр реагент-тўплам усуллари (наборда ишнинг бажарилиши келтирилган) фойдаланилади.

Масалан, геном ДНКси ҳайвонларнинг ўпка ва ошқозон-ичак тизимида эндопаразитлик қилиб яшовчи нематодалар тўқималаридан ажратилади. Оддиндан 96%ли этил спиртга солинган нематодалар соат ойнасида дистилланган сув билан яхшилаб ювилади ва ҳар бирини алоҳида 100 мкл лизис буффери солинган эппендорф пробиркасига солинади. Йирик нематодалардан (диктиокауллар, гемонхлар, парабронемалар) ДНКсини ажратишда, уларнинг бош қисми ишлатилгани маъқул (танани бош қисмидан қизилўнгач тугаган жойигача) ва бу бинокуляр лупаси остида, кўз скальпели ёки бритвани лезвияси ёрдамида кесиб олинади (эркак нематодаларнинг дум томони эса морфологик тахлили учун қолдирилади) (1-расм).



1- расм. ДНК ажратиш учун нематод танасидан препарат таёrlаш.

### **Фенол – хлороформли услуби (ФХ- услуб).**

Бу – нуклеин кислоталарни ажратишнинг классик услубидир. Бу услугуб протеиназа К иштирокида детергентлар томонидан биологик материалларнинг парчаланиши ҳамда фенол ва хлороформ ёрдамида нуклеин кислоталарни ажратиб олишни ўз ичига олади (2-расм). Бунинг афзаллиги шундаки, Diatom

DNA Prep (Россия) ва Dneasy Tissue Kit (Германия) реагентлар тўпламига қараганда бу услуб билан анчагина кўп микдорда ДНК ажратиб олинади. Услубнинг камчиликларига эса унинг давомийлиги, мاشаққатлилиги, агрессив органик эритувчиларнинг ишлатилиши ва ДНКни оқсилдан ҳам, РНҚдан ҳам етарли даражада тозаламаслигини киритиш мумкин.



2-расм. ДНК экстракцияси учун Фенол-Хлороформ реагенти.

Нематода тўқималаридан нуклеин кислоталарни ФХ – экстракция қилиш усули қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Нематода танасидан 0,05 г оғирликдаги тўқимани бўлакчаси олинади.
2. Нематодаларнинг тўқималари, таркибида 40 мМ трис – HCl (рН =8,0), 0,5 мМ ЭДТА, 1<sup>x</sup>SSC бўлган буфер эритмасида (тўқима ва буфернинг 100 мкг; 500 мкг нисбатида) гомогенизация қилинади.
3. 0,5% гача SDS ва протеиназа К ни охирги концентрацияси 1 мг/мл бўлгунча қўшилади, аралаштирилади ва 37°C ҳароратда 2-3 соат давомида инкубация қилинади ёки 18 соатга қолдирилади.
4. Пробиркага 5 М натрий ацетат охирги концентрацияси 0,1 М бўлгунга қадар қўшилади ва аралаштирилади. Сўнгра 1:1 нисбатда фенол, тўйинган HCl триси (рН=8,0) қўшилиб, 10-15 дақиқа давомида аралаштирилади.
5. Хлороформни 1:1 нисбатдаги ҳажмда қўшиб, яна 5-10 дақиқа мобайнида аралаштирилади.
6. Олинган аралашмани 4°C ҳароратда 20 дақиқа центрифуга қилинади (бир дақиқа давомида 4000 айланма тезликда).
7. Юқоридаги фракцияни эриган ДНК билан (супернатант) пипетка ёрдамида тортиб олинади.
8. ФХли оқсилдан ажратиш жараёни (депротеинизация) ундан бутунлай холос бўлгунга қадар такрорланади.
9. Ажратиб олинган супернатантга 2:1 нисбатдаги ҳажмда хлороформ қўшилиб, 10-15 дақиқа аралаштирилади, сўнгра 15 дақиқа центрифуга қилиниб (бир дақиқа давомида 4000 айланма тезликда) юқорги фазаси олинади.
10. 1 мл ли эриган ДНКга 5 М натрий ацетат охирги концентрацияси 0,2 М бўлгунча қўшилиб, аралаштирилади.
11. Икки ҳажмдаги 96% ли этанол эритмаси қўшилиб, ДНК чўкмага тушгунга қадар бир маромда аралаштирилади.

12. -20°C хароратда бир сутка давомида совутилади, сўнгра 15 дақиқа давомида 15000 айланма тезлиқда центрифуга қилинади (0°C гача совугунча).

13. Супернатант олиб ташланади, ДНК чўкмаси 70% ли этанол эритмасида ювилади.

14. Этанол эритмаси тўкиб ташланади, ДНК ҳавода этанол эритмаси учиб кетгун қадар қуритилади ва ионсизлантирилган сувда эритилади.

Олинган ДНК препаратларини концентрацияси спектрофотометрда аниқланади. Ажратилган ДНК концентрацияси 2,0 – 2,3 мкг/мкл ташкил қиласи.

### **Diatom DNA Prep (Россия) реагентлари тўплами ёрдамида ДНК ажратиш услуби.**

Бу услуб реагентлар ёки китлар ёрдамида нуклеотидларни экстракция қилиш услубларидан бири ҳисобланади. Бу тўплам ДНКни турли табиий материаллардан ажратиш, шунингдек клиник намуналардан ДНКни тез тозалаб олиш имконини беради. Бу усул ФХ – услугдан жадаллиги (1 та намунага 30 мин. – 1,5 вақт сарфланади), токсик (захарли) реагентларнинг ишлатилмаслиги билан ажралиб туради. Таъсир қилиш маханизими гуанидинтиоционатли лизис қилувчи реагентнинг ишлатилишига асосланган бўлиб, у ҳужайрани лизисига, ҳужайра солюбилизациясига, шунингдек ҳужайра нуклеазали денатурацияга олиб келади. Лизис қилувчи (парчаловчи) – реагант иштирокида ДНК Nucleos<sup>TM</sup> – сорбент тўпламида фаол сўрилади, сўнгра спиртли эритмада оқсил ва тузлардан осон ювилади. Сорбентдан ажратилган ДНКни ПЗР да ишлатиш мумкин.

Тўпламни таркиби: парчаловчи реагент, тузли буфер Nucleos сорбентининг суспензияси, “Экстра Ген” ион алмашинувчи арлашма суспензияси (3-расм).



**3 расм. Diatom DNA Prep 200 тўплами.**

Diatom DNA Prep 200 реагентлар тўплами ёрдамида нематодаларнинг тўқималаридан ДНКни ажралиб олиш услуби қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Қўлланмага биноан буферни ишчи эритмаси тайёрланади.

2. 1,5 мл пробиркага нематода танасидан 0,05 г оғирлиқдаги тўқима бўлакчаси кесилиб солинади (нематоданинг бош қисми олингани маъқул, чунки дум қисми турларни морфологик жиҳатдан идентификация қилишда

мухим аҳамиятга эга) ва 800 мкл парчаловчи реагент билан майдаланилади ва қўл ёрдамида 5-10 марта аралаштирилади.

3. Аралашма 5-7 дақиқа 65° С ҳароратли термостатга қўйилади.
4. Пробиркадаги аралашма минутига 5000 айл/мин тезлигига 10 секунд давомида центрифуга қилинади.

5. Супернатант тоза пробиркага олинади, унга олдиндан гомогенизацияланган Nucleos суспензияси 20-40 мкл миқдорда қўшилади.

6. Пробиркани ротатор ёрдамида 10–20 айл/мин ёки қўл ёрдамида аралаштириш керак, сўнг 5000 айл/мин тезлигига 10 сек. центрифуга қилинади ва супернатант олиб ташланади.

7. Чўкмага 400 мкл парчаловчи реагант солиниб, вортекс билан гомоген ҳолатга келгунга қадар жадал аралаштирилади.

8. Аралашмага тузли буфернинг 1 мл ишчи эритмаси қўшилиб, 5-10 марта аралаштирилади, 5000 айл/мин. тезлигига 10 сек центрифуга қилинади, сўнгра супернатант олиб ташланади.

9. 7 – босқич қайта такрорланади.

10. Чўкма 65°С ҳароратда 4-5 дақиқа давомида қуритилади.

11. Шу пробирканинг ўзига “Экстра Ген” суспензияси 50-100 мкл миқдорда қўйилади ва гомоген ҳолатга келгунча аралаштирилади, сўнгра 65°С ҳароратдада 5 дақиқа давомида термостатга қўйилади ва яна аралаштирилади.

12. Сўнгра 1 мин мобайнида 10000 айл/мин. тезлигига цетрифугаланади.

13. Супернатант тоза пробиркага олинади, -20°С ҳароратда сақланади.

Ажратиб олинган ДНК концентрацияси 0,12-0,17 мкг/мкл ни ташкил қиласиди.

“Тез” ФХ – услубидан ажратиб олинган ДНК ни кўп ҳолатларда оқсил ва углевод қолдиқларидан тозалаш керак. Буни эса Diatom реагентлар тўпламидаги Nucleos суспензияси ёрдамида, услубнинг 5 - босқичидан бошлаб тозалаш мумкин.

### **Dneasy Tissue Kit (Германия) реагентлар тўплами ёрдамида ДНК ажратиш услуги.**

Dneasy Tissue Kit (QIAGEN GmbH, Germany) реагентлар тўплами афзаллиги жинсий вояга етган нематодаларнинг 10 мг тўқимасидан ташқари, жуда кичик ўлчамдаги нематодаларнинг личинкаси ёки тухумидан геном ДНКсини ажратиш олиш мумкин (4-расм). Бунда нематода тўқимасининг кичик бўлаги ажратиб олинади ёки пипетка билан 1-2 дона личинка ёки тухуми олинади ва 1,5 мл ли “Эпендорф” пробиркасига солинади. Намуналар оғирлиги 10 мг дан ошмаслиги керак.

1. Биологик материалга 180 мкл ATL буфери солинади.
2. 20 мкл протеиназа К қўшилади ва вортексда 15 сек давомида аралаштирилади. Пробиркалар термостатда 55°С ҳароратда биологик материалнинг тўлиқ парчаланишига қадар инкубация қилинади. Намуналарни 1-3 соатга ёки кечасига 18 соатга қолдириш мумкин.

3. 15 сек давомида вортекс қилинади, кейин 200 AL буфери қўшилиб, 15 сек вортексда аралаштирилади, 70°С ҳароратда 10 минут инкубация қилинади.

4. Сүнгра 200 мкл этанол (96-100% ли) қўшиб, вортексда гомоген эритма хосил бўлгунча аралаштирилади.

5. Ҳар бир гомоген эҳтиёткорлик билан (Dneasy Mini spin column) фильтрилди эпиндорф пробиркаларга солиниб, қопқоқлари беркитилиб 1 минут давомида 8000 айл/мин тезлиқда центрафуга қилинади.


6. Эпиндорфга ўтган тоза суюқликни 2 мл ли пробиркаларга ўтказилиб, устига 500 мкл AW1 солиниб 1 минут давомида 8000 айл/мин тезлиқда центрифуга қилинади.

7. Тоза суюқликни 2 мл ли фильтрилди пробиркаларга ўтказилиб, устига 500 мкл AW2 буфер солиниб фильтрдан суюқлик тўлиқ ажралгунча 14 000 айл/мин тезлиқда 3 минут давомида центрифуга қилинади.

8. Фильтрил эпиндорфни бошқа 1,5 мл ли ёки 2 мл ли пробиркаларга ўтказилади ва устига 50-100 мкл АЕ буфер ёки дистилланган сув солинади, сўнгра хона ҳароратида 2 минут инкубация қилинади ва 8000 айл/мин тезлиқда 1 минут центрифуга қилинади. Буферда эриган ДНК -20°C ҳароратда сақланади.

9. Элюат олиш жараёнини 8 - босқичга кўра такрорлаш мумкин.

Бундан ташыари, ҳозирги вақтда нуклеин кислоталарни автоматик равишда ажратиб олиш учун бир неча приборлар ишлаб чиқарилаган (4-расм).



4-расм. MagPurix 12s тизими ёрдамида НК автоматик равишда ажратиб олиш босқичлари. НК ажратиб олишда моддаларни ажратиша магнит шариклари ёрдамига асосланган.

### ПЗР-амплификацияси методининг асосий тушунчалари.

Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) - *in vitro* амплификация методи бўлиб, унинг ёрдамида қисқа вақт мобайнида муайянан сондаги ДНК кетма-кетлигини одатдагидан 1000 маротаба кўпроқ танлаш ёки кўпайтириш мумкин (Mullis, Faloona, 1987). Метод моҳияти – пробиркада муайянан ДНК қисмларини қайталанувчи температура цикларида кўп маротабали кўчириш (амплификация). Амплификациянинг ҳар бир циклида юкорида синтезланган фрагментлар яна ДНК-полимераза ферменти ёрдамида кўчирилади ва ДНК фрагментлари ўзига хос кўп маротаба катталашади (Болдырева, 2005).

ПЗР қўлланалиш соҳаси: геном кетма-кетлигини юкори даражали клонлаш (Scharf et al., 1986), митохондрия ва геном ДНК ларини тўғри секвенерлаш (Wong et al., 1987), нуклеотид кетма-кетлиги ўзгарувчанигини таҳлилаш ва касаллик кўзғатувчиларни аниқлаш (Kwok et al., 1987).

Полимера занзир реакциясини ўтказиш учун реакцион аралашмада турли хил таркиблар бўлиши зарур (Саики и др., 1990):

*Икта праймер* – сувний йўл билан синтезланган.

Праймернинг нуклеотидлар кетма-кетлигига бўлган талаблар:

1. Ички иккиламчи тузилишнинг бўлмаслиги;
2. Нуклеотидлар таркибининг мувозанатланган бўлиши Г/Ц, А/Т ва ҳамма кетма-кетлик бўйича тўғри таксимланганлиги;
3. Димер праймерлар бўлмаслиги учун, З'чи охири орасида комплементарликни бўлмаслиги.

Праймерларнинг оптимал концентрацияси 0.1-0.5 мкМ. Праймерларнинг юқори концетрацияси ўзига хос бўлмаган қиздиришга ёки ўзиги хос бўлмаган ПЗР-амплификация маҳсулотлари йиғилишига олиб келиши мумкин.

*ДНК-полимераза термостабиллиги* (Тақ-полимераза). ДНК-полимеразанинг умумий хусусияти шундаки, 5'x3' йўналишида нуклеин кислоталарнинг матрициаяланган синтезини олиб бориши. Кўпчилик ДНК-полимеразалар хатолик орқали қўшилган нуктеотидларни олиб ташлаш учун мўлжалланган 3'x5' экзонуклеазали фаолликга эга бўлади. Одатда реакция ўтказиш учун 0.5-0.25 бирликда термостабил полимеразанинг *Thermus aquaticus* ўзи кифоя.

*2'-дезоксинуклеозид-5'-трифосфат аралашмаси* (дНГФ - дАТФ, дГТФ, дЦТФ и дТТФ) - Тақ-полимераза ёрдамида иккинчи ДНК занжири синтези учун фойдаланилади. Ностабиллинган дОТФ аралашма ДНК полимераза иши аниқлигини камайтиради. дНГФ баланд концентрацияси  $Mg^{2+}$ , ионлари концентрациясини камайтиради ва ДНК полимераза фаоллигини пасайтиради.

*Буфер* – маълум концентрациядаги катион ва анионлар аралашмаси бўлиб, реакция учун оптимал шароит яратади: стабил pH ва эритманинг ион кучи.

*Таҳлил қилинаётган намуна* – реакция аралашмасига киритиш учун тайёрланган препарат бўлиб, ПЗР-амплификацияси учун нишон ҳисобланган ДНКни ўзида сақлайди.

*$Mg^{2+}$  иони* - Тақ-полимераза иши учун керакли. Ишчи концентрациялар диапазони: 0,5-5,0 мМ (10 мМ - ДНК-полимеразани 40-50% га сусайтиради  $Mg^{2+}$  концентрациясининг ошиши полимера занжир реаксиясининг ўзига хослигига ва самарадорлигига кучли тасир кўрсатади: ПЗР- маҳсулотлар чиқишини кўпайтиради, лекин праймерлар гибридланиши хослиги сусаяди.  $Mg^{2+}$  оптимал концентрацияси ДНК- матрицаси ва праймерлари нуклеотид кетма-кетлигига боғлиқ.  $Mg^{2+}$  дНТФ билан комплекс ҳосил қиласади, айнан шу комплекслар Тақ- полимераза учун субстрат ҳисобланади.  $Mg^{2+}$  концентрацияси кўтарилиши ДНК эриш температурасини кўтарилишига ва праймерлар гибридланиши аниқлигини пасайишига олиб келади.

*Циклик температура режими* - ПЗР- амплификациясида таҳлил қилинаётган ДНКдаги қатор ҳодисалар бўлиб муайян температура параметрлари таминланади. Ҳар бир амплификация цикли 3та босқичдан

иборат (Рыбчин, 2002):

1. *Денатурация*. Реакцион аралашмани 95°C гача қиздирилади, бунинг натижасида икки занжирли ДНК молекуласи ечилиб кетади (ажралиб) ва иккита бир занжирли молекула ҳосил қиласи.

2. *Юмшатиш* (*праймерларнинг қўшилиши, гибридланиши*). Праймерлар бир занжирли ДНКга қўшилади. Кўзланган специфик соҳа чегарасидаги қарама-қарши ДНК занжирларига мос келадиган кетма-кетликка тўғри ва қарама-қарши праймерлар комплементар бўлиб қўшилади. Ҳар бир жуфт праймер учун ўзининг юмшатиш температураси мавжуд бўлиб, у 50-65°C оралиқда бўлади. Юмшатиш вақти 20-60 сек.

3. *Элонгация* (*ДНК синтези*). ДНК занжирининг қарама-қарши йўналишда 5'чи охирдан 3'чи охирга комплементар қуриб битирилиши. ДНКнинг янги занжирлари синтези учун 2'- дезоксинуклеозид-5'-трифосфат эритмаси материал бўлиб хизмат қиласи. Бу босқичда реакцион аралашмадаги температурани оптимум даражасига олиб чиқиласи (72° С). Элогация давом этиш вақти амлификация қилинаётган ДНК фрагментининг учунлиги ёки ДНК-полимераза ферментининг ишлаш тезлиги билан белгиланади. Элонгация вақти одатда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:  $T_{\text{элонгация}} = 1 \text{ дақиқа} \times N$  (м.ж.н. ДНК).

Амлификациянинг температура цикли кўп маротаба қайтарилади (25 ва ундан кўп). Ҳар бир циклда синтезланётган ДНК фрагментлари икки маротаба қўпаяди. Циклик жараён натижаси ДНК фрагментларининг ўзига хос экспоненциал қўпайишидир.

*Тугаланаётган қурилиши.* Одатда ПЗР- амлификацияси охирги циклидан сўнг қисман синтезланган ПЗР маҳсулотларини тугаллаш учун реакцион аралашмани қўшимча равишда 5-15 дақиқа мобайнида 72°C да инкубация қилинади (Саики и др., 1990).

*"Иссиқ старт"* ("hot-start") – ПЗР амлификацияси реакциясидаги носпецефик маҳсулотларни ҳосил бўлишини олдини олиш учун ёндашув ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, пробиркада праймерларни специфик юмшатиш учун керакли шароит бўлмагунга қадар реакцияни бошланмаслиги (Щелкунов, 2004).

ГЦ таркиби ва ўлчамига қараб, праймерлар муайян эриш температурасига эгадирлар. Агар система температураси эриш температурасидан баланд бўлса, праймер ДНК занжирида сақланиб қолиш хусусиятини йўқотади ва денатурацияга учрайди. Оптимал шароит ушланиб турйлса, яъни эриш температураси юмшатиш температурасига яқин бўлса, праймер икки занжирли молекула ҳосил қиласи. "Иссиқ стартни" амалга ошириш йўлларидан бири бирламчи денатурация вақтида термоциклер чукурчасига (лунка) пробиркани киритиш (Саики и др., 1990).

Бу ҳолатда, агар носпецефик юмшатиш температура циклланишига қадар бўлган бўлса элонгация содир бўлмайди, агар комплекслар қиздирилса ДНК-праймер денатурацияга учрайди, шунинг учун носпецифик маҳсулотлар ҳосил бўлмайди. Кейинчалик, пробиркадаги температура эриш температурасига нисбанат пасаяди ва бу спецефик амлификация

маҳсулотлари ҳосил бўлишига олиб келади (Щелкунов, 2004).

*Ижобий назорат*- реакцион аралашма таркибига кирувчи ҳамма компонентлар реакцияни нормал ўтишини таъминланишига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Бунинг учун юмшатиш учун праймерлардан иборат ДНК препараторларидан фойдаланилади: масалан, керакли организм ДНК си ёки геномнинг спецефик клонланган қисми.

*Контаминация* – реакцион аралашмага ташқаридан амплификация реакциялари учун нишон бўлиб хизмат қиласиган ва соҳта ижобий, салбий натижаларни берадиган ДНК молекуласини тушиб қолиши.

*Салбий назорат* тажрибанинг хар бир сериясида контаминацияни йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун фойдаланилади. Салбий назорат сифатида бидистиллирланган сувдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Реакцион аралашмадаги бегона ДНКни йўқотиш учун реакцион аралашмали (ДНК матрицаси йўқ) пробиркани ультрабинафша нурланишга 10 дақиқа мобайнида дучор қилинади.

Реакцион аралашмадаги бегона матрицаларнинг манбаи сифатида бўлиши мумкин:

- Лаборатория ускуналари ва пипеткаларда қолган ДНК қолдиқлари орқали;
- Намуналар орасидаги қарама-қарши контаминация;
- Олдинги ПЗР маҳсулотлари.

Контаминацияни олдини олиш ва соҳта салбий натижаларни олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилмоқ зарур:

•ПЗР учун тайёрланаётган матрица, ПЗРни тўғридан-тўғри ўтказаётган ва ПЗР ни таҳлил қилаётган иш ўринларини тақсимланг.

•ПЗР учун аралашмани ультрабинафша лампали ламинарланган шкафда ёки изоляцияланган бокса аралаштиринг. ПЗР учун ишлатиладиган микроцентрифугани, қўлқопларни ва бошқа ускуналарни ҳам шу ерда сақланг.

•Фақат ПЗР учун ишлатиладиган пипеткаларни маҳсус ғовакли фильтри бор қопқоқчаларни ишлатинг.

•ПЗР ни ўтказаётганда фақат стерил материаллар ва янги перчаткалардан фойдаланинг.

### **ПЗР-амплификацияси.**

18S рРНК гени фрагменти амплификацияси эукариот праймерлари (James et al., 2006) стандарт усул ёрдамида ўтказилади (Sambrook et al., 2001).

### **2.3. ПЗР-амплификациясини ўтказиши.**

1. Ишни бошлишдан аввал реациянинг ДНК- полимеразадан ташқари ҳамма компонентларини эритиб олинг ва бир қанча вақтга музга жойлаштириб туринг. 0,2 мл пробиркани музга жойлаштиринг, 34,8 мкл бидистиллирланган сув, 5 мкл 10X Тақ-буфер, 5 мкл 2,5 мМ MgCh, 1 мкл 2 мкМ 2'-дезоксинуклеозид-5'-трифосфат, 2 мкл ДНК матрицаси, 0,2 мкл Тақ-

полимеразаси қўшинг, якуний хажм 50 мкм ни ташкил этади.

2. 0,2 мл пробиркадаги реакция аралашмасини вортексда аралаштиринг ва микроцентрофугада 15 сек мобайнида томчиларни чўкинди холатига келтиринг.

3. Термоциклер дастурини ўрнатинг.

4. Термоциклер лункасига пробиркадаги реакция аралашмасини жойлаштиринг ва термоциклер қопқоғини маҳкам ёпинг.

5. ПЗР-амплификацияси тугаллангандан сўнг намуналарни агароза гельдаги электрофорез методи ёрдамида таҳлил қилиш мумкин. Амплификацияланган намунани -20°C сақлаш зарур.

### Жадвал 1.

#### 2.4. ПЗР учун мўлжалланган реакция аралашмаси таркиби, ПЗР режими.

Реакция компонентлари	Хажм, мкл
10X Тақ-буфер	5
2,5 мМ MgCl <sub>2</sub>	5
0,2 мкМ 2'-дезоксинуклеозид-5'-трифосфат	1
20 мкМ тўғри праймер *	1
20 мкМ тескари праймер *	1
ДНК матрицаси	2
Тақ-полимераза 5 ед/мкл	0,2
Бидистиллирланган H <sub>2</sub> O	34,8
Реакциянинг якуний хажми	50

\*праймернинг номланиши ва кетма-кетлиги 2 жадвалда қўрсатилган.

### Жадвал 2.

#### 18S рРНК гени фрагменти амплификацияси учун специфик праймерлар.

Праймер номланиши	Нуклеотид кетма-кетлиги 5' → 3'
Универсал эукариот тўғри праймери 18S-SR1R(1F)	TACCTGGTTGATQCTGCCAGT
Универсал эукариот тескари праймери 18S- SR1(578R)	ATTACCGCGGCTGCT

### Жадвал 3.

#### 18S рРНК гени фрагменти амплификацияси режими

Температура	Вақт	Босқичлар таснифи
95° С	5 мин	Дастлабки қиздириш
95° С	30 сек	денатурация
60° С	30 сек	юмшатиш
72° С	1,5 мин	синтез
72° С	2 мин	Якуний синтез
10° С		Сақлаш

} 35 цикл

#### Назорат саволлари:

1. Молекуля-генетик таҳлиллари учун зоологик материаллар йиғишига қандай талаблар қўйилади?
2. ДНК экстракция учун қандай детергентлардан фойдаланилади ва уннинг йўриқномаси?
3. Нима учун фенол и хлороформдан фойдаланилади?
4. Сорбция усулидан фойдаланишда нуклеин кислоталарнинг ажратиш ва тозалашдаги асосий босқичлари қандай?
5. Қайси мақсадларда тузли буфер ишлатилади?
6. ПЗР асосий принциплари қанақа?
7. ПЗР цикли қайси этаплардан иборат?
8. Реакция аралашмаси қайси компонентлардан иборат бўлади?
9. ПЗР қўйишда қайси мақсада қанақа назорат қўйилади?
10. ПЗР-лабораторияси қандай тузилади?
11. ПЗР усулини қанақа амалий аҳамияти бор?

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. McPherson M.J., Moller S.G. PCR. The Basics 2<sup>nd</sup> edition: Taylor & Francis Group, 2006. - 305 p.
2. Sambrook, J. Molecular cloning: A laboratory manual. 2nd ed / J. Sambrook, E.F. Fritsch, T. Maniatis. - Cold Spring Harbor: Cold Spring Harbor Laboratory Press, 2001. - 1626 p.

**З-мавзу: Агароза гелида электрофорез усулини асосий түшүнчәсі.  
Рибосомал ва митохондриал ДНК тозалаш.**

**РЕЖА:**

- 3.1. Агароза гелини тайёрлаш ва ПЗР маңсулотларыда электрофорез үткәзүші. ДНК концентрациясини ўлчаши.*
- 3.2. Агароза гелидан ДНК ажратиши учун ишлатыладиган ДНК тозалаш түплами (Цитокин).*

**Таянч иборалари:** Гель-электрофорез, УФ-нури, ТАЕ, агароза, бромистый этидий, ДНК тозалаш түплами, ДНК-маркер.

**ДНК электрофорези** - аналитик метод бўлиб, ажратиш, тенглаштириш ва ДНК қисмларини тозалаш учун фойдаланилади. ДНК электрофорези горизонтал йўналишда амалга оширилиди (Остерман, 1996).

ДНК молекуласи шакарфосфат қолдиғи манфий зарядланган, шунинг учун ДНК занжиридаги манфий зарядланган катоддан электор майдон кучи остида мусбат зарядланган анод томонга ҳаракатланади, Узунроқ бўлган молекулалар секироқ кўчади, чунки гельда ушланиб қолади, қисқароқ молекулалар тезроқ ҳаракат қиласи.

Натижаларни визуаллаш мақсадида эриган агарозага бромли этидий киритилади (Dretzen et. al., 1991).

Олинган ДНК қисмлари ўлчамлари таҳлили учун чизиқли ДНК маркеридан фойдаланилади.

Электор майдон кучланиши катта аҳамиятга эга, шу сабабли тақсимланиш самарадорлиги пасайиши кузатилади. ДНК қисмларини ажратишида энг максимал самарадорликка эришиш мақсадида, кучланиш 1 сантиметр гельда 5 вольтдан ошмаслиги зарур (Girvitz et.al., 1990).

Гельнинг таркибиға қуйидагилар киради: 1X ТАЕ (рН 8,1), агароза, бромли этидий. Гельнинг фоиз улушига қараб ҳар хил таркибий қисмлар қўшилади. Гельнинг фоиз улуши ДНК қисмлари тарқалиш узунлиги орқали танланади (4 жадвал). 18S рРНК ген таҳлили учун (узунлиги таҳминан 600 ж.н.) 2% ли агароз гели оптималь ҳисобланади.

**Гельда агароза концентрациясининг нисбати ва таҳлил қилинаётган  
ДНК фрагментининг оптимал размери.**

Гелдаги агарозанинг миқдори (%)	ДНК қисмлари ўлчами (минг ж.н, Кб)
0,3	50-60
0,6	1-20
0,7	0,8-10
0,9	0,5-7
1,2	0,4-6
1,5	0,2-3
2,0	0,1-2

**3.1. Агароза гелини тайёрлаш ва ПЗР маҳсулотларида электрофорез  
ўтқазиши.**

1. Гельни электрофорез ванначасига қуишидан аввал намуналарни киритиш учун оргойнадан тароқчаларни ўрнатиб чуқурчалар (лунка) ясад олинг. Тароқчаларнинг пастки тишчалари умумий ҳажми 50 мл бўлган гельнинг асосидан 2 мм оралиғида жойлашсин (умумий ҳажми 150 мл бўлган гельнинг асосидан 1мм оралиғида жойлашсин) (4-5 расмлар).

2. 50мл 2%ли агароза гелини тайёрлаш учун 50 мл 1X ТАЕ ва 1 г агароза қўшилади. 1X ТАЕ бошланғич концентрацияси 50X ТАЕ эритмасидан тайорланади. (Трис, 0,5М ЭДТА pH 8,0, музлатилган уксус кислотаси).

3. Агароза тутқичини 1X ТАЕ эритмаси ёрдамида қайнаш даражасида шундай қиздирингки, эритма гомоген ҳолатига келсин, яни агарозанинг эримаган зарраларини бўлмасин.

4. Бу жараёндан сўнг 50°C даражасида совутинг ва 0,5 мкл бромли этидий қўшинг.

5. Ҳамма гель ҳажмини электрофорез ванначасига қуйинг. Гель совугандан сўнг (30-45 дақиқа хона ҳароратида), асталик билан тароқчаларни олиб ташланг ва электрофорез ванначасига 1X ТАЕ буферини гель тўлиқ қопланмагунга қадар қуйинг.

6. Намуналарни 6X Loading Dye буфери (таркиби: 4% ли тўқ сариқ G, 0.03% ли бромфенол, 0.03% ксилен- цианол FF, 15% Фиколла 400, 10 mM трип-НСl pH 7,5 и 50 mM ЭДТА pH 8,0) билан шундай аралаштиринки, намунадаги якуний концентрация 1X бўлсин ва микропипетка ёрдамида гельдаги чуқурчаларга (лунка) қуйинг.

7. Олинган ДНК қисмлари ҳажмини таҳлил қилиш учун чуқурчаларнинг (лунка) бирига 2,5 мкл ли ДНК-маркерини *DirectLoa<sup>drM</sup> Wide Range DNA Marker* қўшинг.


8. ДНК ажратишни учун кучланиш 1 сантиметр гельда 5 вольтдан

ошмаслиги зарур.


9. Электрофорез якунлангандан сўнг гельни ультрабинафша ва трансиллюминатор нурларида кўринг ва расмга олинг, натижаларни қайд қилинг.

**Диққат!** Кўз тўр пардасининг ультрафиолет нурлари шикастламаслиги учун ДНК зонасини текширишида трансиллюминаторнинг комплект шишалари орқали ёки маҳсус ҳимоя очкилари ёрдамида амалга оширилади.


10. 6-расмда ҳамма намунадаги генларнинг 18S рРНК қисмида ДНК ампликациясини курсатувчи ПЗР маҳсулотдари таҳлили мисол тариқасида келтирилган. Геннинг 18S рРНК қисми ампликацияланган нуклеотидлар кетма-кетлиги узундиги тахминан 500 п.н ташкил қиласди.



4 - расм. Агароза гелида горизонтал электрофорез ўтқазиш ускуналарини элементлари.



5 - расм. Гель қуйиш учун лоток ва таглик.



6-расм. 4та намунадаги 18S pRNK қисмидә ДНК амплификациясина курсатувчи ПЗР –амплификацияси.

11. Керакли ПЗР фрагментини скальпель ёрдамида гельдан кесиб олинг, 1.5 мл ли центрифугаланган пробиркага жойлаштириңг жаңы тарозидада ўлчаб олинг. ПЗР фрагментларини ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия қилинган түрли хил методикалар ёрдамида ажратиб олиш мүмкін.

12. 5-жадвалда ПЗР- амплификацияси таҳлили жараёнида келиб чиқиши мүмкін бўлган муаммолар ва уларнинг ечими кўрсатилган.

#### **Жадвал 5.** **Келиб чиқиши мүмкін бўлган муаммолар ва уларнинг ечими**

Муаммо	Эҳтимоли бор сабаб	Мүмкин бўлган муаммо ечими
ДНК гельда бўялган йўлчадек кўринади.	Махсулот деградация қилинади.	Нуклеазалар ёрдамида ифлосланиш марказини топинг, материал узоқ вакт сақланмаганинг ишонч ҳосил қилинг,
	Амплификацияни ўзига хос бўлмагани.	Ўзига хос бўлган праймерлар танлаб олинг ёки янада оптималь реакция шароитини танланг
	ДНК матрицаси ортиқчаси	Камроқ микдорда ДНК матрицасини олинг.
Гельдаги ўзига хос бўлмаган чизиқчалар	Амплификацияни ўзига хос бўлмагани	Ўзига хос бўлган праймерлар танлаб олинг ёки янада оптималь реакция шароитини танланг
	ДНК матрицаси ортиқчаси	Камроқ микдорда ДНК матрицасини олинг
ПЗР- амплификацияси маҳсулотдаги чизиқчалар, озгина ёки йўқлиги бўлиши	Хира бўялган гель	Агарозага кўпроқ микдорда бромли этидий қўшинг
	ДНК матрицасини намунада йўқлиги	ДНК матрицасини қўшинг
	Праймерлар инқизорзга учраган праймеры	Янги праймерлар синтез қилинг
	Праймерлар ДНК матрицада юмшамаслиги	Ўзига хос бўлган праймерлар танлаб олинг

ПЗР ўтказиш учун нотұғри шароит	Янада оптималь реакция шароитини танланг
Амплификатор бузулғанлиги	ПЗР ни бошқа амплификаторда ўтқизинг

### **3.2. Агароза гелидан ДНК ажратиши учун ишлатиладиган ДНК тозалаш түплами (Цитокин).**

ПЗР натижасидан олинган ДНК ларни тозалаш учун 0,8 % 100 мл ли агароза гель тайёрланади. Электрофорездан қолган 21 мкл ПЗР махсулотларини 4 мкл краска билан аралаштириб, хар бир наъмуна аралашмаларини гель катакчаларига солиниб, 100 Вт кучланиш билан 1–1,5 соат электрофорез камерасида юргизилади.

Электрофорез камерасидан гельни олиб, трансиллюминаторда ҳимоя күзойнагини таққан ҳолда, гелдеги ДНК нүкталарини (пик) бир марталик лезвия ёрдамида кесиб олинади. Кесилган гель бўлакларини 1,5 мл-ли эплендорф идишларига солинади. Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки эплендорф идишларини тарозида тортиш ва хар бир эплендорфни тартиб бўйича рақамлаш керак.

ПЗР махсулотларини гелдан тозалашда “Цитокин” фирмасида ишлаб чиқарилган түпламлардан фойдаланилди.

1. Эплендорфдаги гельни эритиши учун гель оғирлигига тенг 10 мг бўлса 10 мкл боғловчи аралашма солинди.

2. Термостатга 65 °C га 15 дақиқа гель эригунча сақланди.

3. Термостатдан эплендорфни олиб хона хароратида 1 дақиқа сақланади ва вортекс қилинади ва 16000 айл/тез центрифуга қилинди.

4. Центрифугадан эплендорфларни олиб янги фильтрли эплендорфларга пробирка ичидаги аралашма солинади ва юувучи аралашмадан 700 мкл солинади, 1 дақиқа 16000 айл/тез центрифуга қилинди.

5. Эплендорф ичидаги аралашма олиб ташланади ва 500 мкл юувучи аралашма солиниб, 5 дақиқа 16000 айл/тез центрифуга қилинди.

6. Эплендорфдаги фильтрли калонка бошқа янги 1,5 мл-ли эплендорфга ўтказилади ва 50 мкл элюат аралашмаси ёки тозаланган сув солинди, 1 дақиқа хона хароратида сақланди, сўнг 1 дақиқа 16000 айл/тез центрифуга қилинди.

7. Эплендорфлардан фильтрли калонкаларни олиб ташланади, эплендорфни остки қисмiga тушган гелдан тозаланган махсулотни -20°C совутгичга олиб қўйилади.

Гелдан тозаланган ПЗР махсулотларини сиквенирлаш учун нуклеотидларини ўқитиш учун ЦКП «Геном» («Генотех») фирмасига берилди.

ПЗР махсулотларини сиквенирлашга беришда ПЗР махсулотларини концентрацияси аниқланади ва шу концентрацияга қараб ДНК 1 мл эплендофларга солиниб, устига ПЗРда қўйилган праймерлардан факат.

### **Назорат саволлари:**

1. Электрофорез усули асосида қанака принцип ётади?
2. 100 мл 2.0 %-ли агароза гели тайёрлаш учун қанча оғирликдаги агароза керак бўлади
3. ДНК фрагменти размери 350 ва 150 ж.н ажратиш учун қандай концентрацияли агароза керак бўлади?
4. Электрофорез ўтқазилганда ДНК молекулалари нимага ва қайси томонга характланади?
5. Электрофорез жараёнида агароза гелида ДНК молекулалари тезлиги қандай омилларга боғлиқ?
6. Нима учун гелда ҳосил бўлган пуфакчадан қочиш керак?
7. Гелдаги ДНК кўриниши (визуализация) нима ҳисобидан амлага ошади?
8. Электрофорез жараёнида гелдаги ДНК молекулалари харакатини қандай қилиб назорат қилиш мумкин?
9. Электрофорезнинг қайси босқичида перчатка билан ишлаш керак ва нега?

### **Фойдаланилган адабиёт:**

Green M.R. Molecular cloning: a laboratory manual / Michael R. Green, Joseph Sambrook.-4thed. by Cold Spring Harbor Laboratory Press,Cold Spring Harbor,New York, 2012.

**4-мавзу. секвенирлаш – днкнинг бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш. нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида организмларни идиентификация қилиш.**

**РЕЖА:**

- 4.1. ПЗР-амплификациянинг асимметрик реакциясини флуоресцент нишонли нуклеотидлар ёрдамида ташкил этиши (секвенирлаш реакцияси).
- 4.2. ПЗР-амплификация реакциясидаги асимметрик фрагментларни тозалаши.
- 4.3. Blastn программаси ёрдамида кўплаб текислаши ишларини олиб бориши.

**Таянч иборалар:** Секвенирлаш, NCBI, Blast, BioEdit, ClustalW2, Clustal Omega программалари.

**4.1. ПЗР-амплификациянинг асимметрик реакциясини флуоресцент нишонли нуклеотидлар ёрдамида ташкил этиш (секвенирлаш реакцияси).**

Автоматик ДНК секвенирлаш принципи аниқ вақт тартибида флуороцентланган маҳсулотларни электрофоретик ажратиш, ўзига хос терминация секвенирлаш реакциялари ва уларнинг детекциясинии ўз ичига олади (Inoue et al., 1998). Детекция гельнинг пастки қисмида, ДНК қисмларининг лазер нури ёрдамида бўёқ молекулалари қўзғалиши натижасида амалга оширилади. Ажратиш маҳсус мослама, автоматик ДНК секвенатори ёрдамида амалга оширилади. Биринчи автоматик ДНК секвенатори 1987 йил Applied Biosystems фирмаси томонидан ишлаб чиқилган.

Автоматик ДНК секвенатори маҳсус компьютер дастурлари ёрдамида бошқарилади. Масалан, Applied Biosystems фирмаси мосламаси йиғиши дастури ва маълумот таҳлили билан бирга қўшилади. Электрофоретик бўлиниш тугаллангандан сўнг, Data Collection дастури ёрдамида олдиндан йиғилган маълумотлар ўзига хос дастур ёрдамида таҳлилга юборилади. Бунда у ёки бу нуклеотидлар асосидаги терминантланган ДНКнинг тегишли фрагментларининг нисбий баландик чўққиси аниқланади ва бузилганлари олиб ташланади (Alphey, 1997).

Автоматик ДНК секвенирлашидаги флуороцентланган маҳсулотларни ажратиш терминантланган секвенирлаш реакцияларида, электрофорездан ташқари капилляр-гель электрофорези кенг қўлланилади (Sambrook et. al., 2001). Унга юқори сезувчанлик, капиллярнинг жуда кичкина ички диаметри натижаси хисобланаган юқори бўлинув тезлиги, каби хусусиятлари мос келади. Дастрлабки ишларда капилляр электрофорезини амалга ошириш учун оддий полиакриламид гели хизмат қилган (Lario et al., 1997). Бироқ унинг

ўзгарувчанлиги, ҳаво пуфакчаларининг ҳосил бўлиши каби камчиликлари методнинг унумдорлигини кўринар даражада пасайтиарди. Чизиқли полиакриламид усулидан фойдаланиш қуйидаги муаммоларнинг ечими бўлди ва бу методнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. (Inoue et al., 1998).

### **Флуороцентланган терминантланган нуклеотидлар ёрдамида ПЗР амплификацияси асимметрик реакцияларини ташкил қилиш (секвенирлаш реакцияси) (2 мавзуга қаранг).**

Секвенирлаш реакциясидаги ПЗР босқичлари учун мўлжалланган реациялар аралашмаси компонентлари 6-жадвалда кўрсатилган. Секвенирлаш реакциясидаги ПЗР босқичлари учун мўлжалланган термоциклер тартиби 14-жадвалда кўрсатилган. ДНК секвенирлаш M13/pUC(-20) каби стандарт праймерлар ёрдамида ёки ABI Prism 310 Genetic Analyzer автомат секвенатори ёрдамила ўтқизилади. Праймерларни Синтол (Россия) корхонаси синтезлаган.

Жадвал 6.

Секвенирлаш реакциясидаги ПЗР босқичлари учун мўлжалланган реациялар аралашмаси таркиби.

Реакция компонентлари	Ҳажми, мкл
2,5X Ready Reaction Premix	0,5
TMS Buffer 5X	3,75
3,3 мкМ Праймер	1
ДНК	1
Бидистиллирланган сув	13,75
Реакциянинг якуний ҳажми	20

Жадвал 7.

Секвенерлаш реакциясини ўтказишида температуралар даври тартиби.

Температура	Вақт	Босқичлар таснифи	
96° C	1 мин	дастлабки қиздириш	
96° C	10 сек	денатурация	
55° C	50 сек	юмшатиш	
60° C	4 мин	синтез	
10° C		сақлаш	

} 35 давр

ДНК- Секвенирлашда праймерларнинг нуклеотид кетма-кетлигини

Праймернинг номланиши	нуклеотид кетма-кетлигини $5' \rightarrow 3'$
Секвенирлаш учун праймернинг T7 промотор қисми	TAATACGACTCACTATAAGGG
Секвенирлаш учун тўғри праймер M13/pUC (-20)	GTAAAAACGACGGCCAGTG

#### **4.2. ПЗР амплификацияси асимметрик реакциялари фрагментларини тозалаш.**

1. ПЗР-фрагментлари сақланган пробиркага 2 мкл 125 мМ ЭДТА, 2 мкл 3М натрий ацетат ва 70 мкл 95% этанол қўшинг.
2. Аralашмани хона шароитида 15 дақиқа мобайнида инкубация қилинг сўнгра аralашмани вортексда аralаштиринг.
3. Аralашмани 30 дақиқа мобайнида 20°C да инкубация қилинг.
4. 20 дақиқа мобайнида 13.3 минг дақ/ай центрифугаланг.
5. Кераксиз суюқлики микропипетка ёрдамида асталик билан олиб ташланг.
6. Чўкиндига 100 мкл 70 % ли этанол ва 5 дақиқа мобайнида 13.3 минг дақ/ай центрифугаланг.
7. Кераксиз суюқлики олиб ташланг ва пробиркаларни 37°C термостатда очик ҳолда қуритинг.
8. Кераксиз суюқлик буғлангандан сўнг 20 мкл Hi- Di формамида қўшинг.
9. Аralашмани 20 сек давомида вортексда аralаштиринг.
10. Пробиркадаги аralашмани термоциклерга жойлаштиринг.
  - 2 дақиқа мобайнида 95° С гача қиздиринг;
  - Сақлаш учун 4° С гача совутинг.
11. Пробалар жойлашган пробиркларни термоциклердан чиқаргандан сўнг, қисқа вақт мобайнида (20 сек) центрифугалаб, томчиларни йўқотиб олинг ва пробани маҳсус секвенерлаш учун мўлжалланган пробиркага жойлаштиринг.
12. Секвенерлаш натижаларига BioEdit дастурлаш пакети ёрдамида ишлов берилади. Секвенланган хромотограмма таҳлили учун Chromas дастуридан фойдаланилади. Мисол тариқасида 5-расмда BioEdit дастурлаш пакети ердамида секвенланган хромотограмма таҳлили курсатилган. 18S рРНК гени қисмидаги бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини (узунлиги 417 п.н.):



5 расм. BioEdit дастури ёрдамида секвенс храмотограммаси намунаси.

### **Бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлили асосида организмни идентификациялаш.**

Организмларнинг идентификациялаш одатда нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлили асосида, BLASTn (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov>) кўп маротабалик тўғирлаш дастури ёрдамида маълумотлар базасида GenBank/EMBL/DDBJ (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov>) ўтказилади.

**BLAST** (ингл. *Basic Local Alignment Search Tool*) - *бирламчи нуклеотидлар ва оқсиллар кетма-кетлигини солишишига ёрдам берувчи алгоритм.* BLAST алгоритми асосидаги компьютер дастурлари бирламчи структураси (кетма-кетлиги) ёки маълумотлар базасидаги фрагменти маълум бўлган оқсил ёки нуклеин кислоталар гомологларини излаб топишга имконият яратади (Altschul et al., 1990).

**BLAST сериясидаги дастурлар.** Биологик кетма-кетликни таҳлил қилиш учун 3 та асосий ёндашув мавжуддир:

**Нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлили.** ДНК ёки РНК нуклеотидлари кетма-кетлиги билан ишлашга ёрдам берувчи алгоритмлар тўплами. Blastn («Nucleotide BLAST») дастури турли хил маълумотлар базасига эга бўлган нуклеотидлар кетма-кетлигини солишириш ва гомологик кетма-кетликни излаб топишга ёрдам беради. Blastn ёрдамида таҳлил бошқа алгоритмларга нисбатан кўп вақтни олади, лекин паст гомологли кетма-кетликларни

солишириш имконини беради. Megablast 95% гача яқин қариндош нуклеотидлар кетма-кетлигини солиширишга мүлжалланган. Дастан күп нуклеотид кетма-кетликларни ягона кетма-кетликка йиғади ва BLAST база маълумотларини қидира бошлайди. Кейин megablast индивидуал кетма-кетликни солишириш ва статистик ишлов бериш учун олинган маълумотларга ишлов бера бошлайди. Discontiguous megablast дастани нуклеотидлар кетма-кетлигини бази бир мос келмасликка этиборга ва олмасликка йўл қўяди, у фарқланувчи лекин кетма-кетликни таққослаш учун мүлжалланган.

**Оқсил кетма-кетлиги таҳлили.** Аминокислоталар кетма-кетлиги билан ишлашга ёрдам берувчи алгоритмлар тўплами. Стандарт Blastp («Protein BLAST») дастани турли хил маълумотлар базасига эга бўлган аминокислоталар кетма-кетлигини солишириш ва гомологик кетма-кетликни излаб топишга ёрдам беради. Бошқа дастанлар сингари Blastp дастани маҳаллий гомологик қисмларни топади. Қуйидаги алгоритм ёрдамида дастани турли хил маълумотлар базасига эга бўлган аминокислоталар кетма-кетлигини солишириш ва гомологик кетма-кетликни излаб топиш мумкин. psi-blast («Position-Specific Iterated BLAST») алгоритми оқсиллар кетма-кетлиги таҳлилида янада сезгир алгоритм бўлиб, уни оқсилларнинг узоқ қариндошлари ёки оқсилларнинг янги оила азоларини топиш учун фойдаси бўлади. Қуйидаги алгоритмдан Blastp стандарт алгоритми кетма-кетликни топа олмагандан ёки гипотетик оқсилларга алоқа юборганда, муайян кетма-кетлик билан ўхшашлик топилганда фойдаланилади. Phi-blast («Pattern-Hit Initiated BLAST») фойдаланувчи берган шаблонни ўзида сақлаши ва бир вактда фойдаланувчи берган сўров билан гомолгик ўхшаш бўлган оқсиллар кетма-кетлигини қидириш учун мүлжалланган. Cdart («Protein homology by domain architecture») алгоритми оқсиллар таркибини ўрганади. У хамма оқсиллар таркибини theprotein nr маълумотлар базасида таҳлил қиласи ва қидирав олиб боради.

**Трансляция қилинган кетма-кетликларни таҳлил қилиши.** Maxsus дастан бўлиб, нуклеотид кетма-кетликни аминокислота кетма-кетлигига трансляция қилишга имкон беради. Blastx («Translated query vs protein database») олдин нуклеотид кетма-кетликни аминокислота кетма-кетлигига трансляция қиласи, кейин оқсиллар гомологик кетма-кетликни маълумотлар базасида излаб топишга ёрдам беради. Blastx ўқиши учун нуклеотид кетма-кетликларни хамма бта хошиясини трансляция ва таҳлил қиласи. Шундай қилиб, алгоритм de novo секвенирланган нуклеотид кетма-кетликни ва EST-

кетма-кетликни («Expressed Sequence Tags») таҳлил қиласади. Бу алгоритм бошқа нуклеотид Blast га нисбатан янада сезгир алгоритм ҳисобланади, чунки солишириув оқсил кетма-кетлиги даражасида олиб борилади. Бошқа тарафдан, tblastn («Protein query vs translated database») алгоритми аксинча оқсиллар кетма-кетлигини изохли бўлмаган нуктеотидлар кетма-кетлигига қидиришга ёрдам беради. Ва ниҳоят, tblastx («Translated query vs translated database») алгоритми, янги генларни нуклеотид кетма-кетликда идентификация қилишга фойдали ҳисобланади.

#### **4.3. Blastn программаси ёрдамида күплаб текислаш ишларини олиб бориш.**

BLAST алгоритмлари ёрдамида, нуклеотид кетма-кетлиги турли хил организмлар геноми мәліметтері базасыда тақтап көрсетілгенде, оның мүмкін болған мәліметтерін анықтауда көптеген жағдайларда кеңириктурады.

**BLAST ишилай принципи.** BLAST сериясидаги дастурлар маълум қисмлардаги кетма-кетликни солиштириш учун маҳаллий тўғирлаш олиб боради. Нуклеотид ёки аминокислоталар кеима-кетлиги BLAST серверига келгандан сўнг, BLAST хамма қисмлар (оксиллар учун бу 3 аминокислотадан иборат кетма-кетлик қисми, нуклеин кислоталар 11 нуклеотидлардан иборат) ва ўхшаш қисмлар жадвалини тузади. Кейин маълумотлар базасида қидирув амалга оширилади ва гомологлар топилганда уларнинг ўлчам қисмлари узайтирилади (4 ва ундан ортиқ аминокислота, 12 ва ундан ортиқ нуклеотидлар) аввал оралиқсиз, кейин орлиқлардан фойдаланилган холда. Хамма мумкин бўлган ўлчам қисмлари узайтирилгандан сўнг, малумотлар базасидаги янада гомологик кетма-кетлик жуфт тўғирланади ва олинган маълумот SeqAlign структурасида қайд қилинади.

Үрганилаётган кетма-кетлик ва BLAST малумотлар базасидаги кетма-кетлик ўхшашлиги даражаси ва ахамиятини аниқлаш мақсадида Max ident (максимал ўхшашлик), Query coverage (сўров қамрови майдони) ва E қиймат (expected value, E-value) (кутилган қиймат) дан фойдаланилади.

**Blastn** дастури ёрдамида күп маротабалик түғирлашни үтказиш

1. BLAST дастури сахифасига киринг:

<http://www.ncbi.nlm.nih.gov/blast/Blast.cgi>

BLAST асосий саҳифаси очилишида тепа қисмда 4 та иловали асосий меню бор:

- Home – уй саҳифасиги қайтиш учун илова.

- Recent Results – 36 соат ичидә қилинган қидирув натижаларини очиш учун илова.

- Saved Strategies – сизнинг шахсий сахифангизда «My NCBI» қидирув натижасидан сўнг сақланган илова.

- Help - BLAST дастурида хужжатлар билан ишлаш учун каталогга ўтиш иловаси.

2. Асosий менюода Basic Blast графасидаги «nucleotide Blast» дастурини тангланг.


3. Кетма-кетликни киритиш ойнасига FASTA форматида Enter Query Sequence киритинг. Намуна натижасида 18S рРНК қисми нуклеотид кетма-кетлигини танлаймиз.

4. Choose Search Set → Others → Nucleotide collection (nr/nt) параметрини тангланг.

5. Program Selection графасида somewhat similar sequences излаш алгоритмини танланг.

#### 6. BLAST тұғмасини босинг.

Үтказилган таҳлилга биноан, фойдаланилаётган 18S рPHK гени кетма-кетлиги асосидаги таҳлил натижаларига кўра бу *Pseudopapaeus sogdiana* (ген 18S рPHK, KU760758) деб идентификация қилиш мумкин, лекин 98 % ўхшашлик асосида (максимал идиентификация -98 %, сўровни амалга ошириш области – 90%, E value - 0.0)



## BLAST ассоий ойнаси.

The screenshot shows the 'Standard Nucleotide BLAST' search page. Key elements include:

- Enter Query Sequence:** A text area containing a FASTA sequence starting with >Ps\_sogdiana\_1Jz.
- From:** A dropdown menu for specifying a range of nucleotides.
- To:** A dropdown menu for specifying a range of nucleotides.
- Or, upload file:** A button to upload a file.
- Job Title:** A field to enter a descriptive title for the search.
- Align two or more sequences:** A checkbox option.
- Choose Search Set:** Options for selecting a database (Human genomic + transcript, Mouse genomic + transcript, Others), limiting by organism, exclude options, and Entrez Query.
- Program Selection:** Options for optimizing the search (Highly similar sequences, More dissimilar sequences, Somewhat similar sequences) and choosing a BLAST algorithm.

7 расм. Нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлили BLAST ойнаси.

8, 9 и 10 расмларда натижалар таҳлили келтирилган.

The screenshot shows the 'BLAST Results' page for the query Ps.sogdiana\_1Jz. Key elements include:

- Query Information:** RID: HBPSTG40015 (Expires on 04-20 15:05 pm), Query ID: Query\_251573, Description: Ps.sogdiana\_1Jz, Molecule type: nucleic acid, Query Length: 469.
- Database Information:** Database Name: nr, Description: Nucleotide collection (nt), Program: BLASTN 2.3.1+.
- Graphic Summary:** A large plot titled 'Distribution of 100 Blast Hits on the Query Sequence'. The plot shows a distribution of hits across the query sequence (1-450). A color key indicates alignment scores: <40 (black), 40-50 (dark blue), 50-60 (medium blue), 60-80 (light blue), 80-200 (green), and >=200 (red). The plot shows a dense band of red bars across the entire query length.

8 расм. BLAST дастури иши график натижалари.

Nucleotide BLAST: Search n... NCBI Blast:Ps.sogdiana\_1z... blast.ncbi.nlm.nih.gov/Blast.cgi

Descriptions

Sequences producing significant alignments:

Select: All None Selected

Alignments Download GenBank Graphics Distance tree of results

Description	Max score	Total score	Query cover	E value	Ident	Accession
Auriculinella bidentata isolate PR0650 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	737	737	90%	0.0	98%	KM280971_1
Auriculastra subula isolate PR1651 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	737	737	90%	0.0	98%	KM280970_1
Arion silvestris 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	737	737	90%	0.0	98%	AY145365_1
Acuta despecta sieboldiana 18S ribosomal RNA gene, complete sequence	737	737	90%	0.0	98%	AF190453_1
B.biplicata 18S rRNA gene	737	737	90%	0.0	98%	X94278_1
Derceras reticulatum 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	732	732	90%	0.0	98%	AY145373_1
Cylindrotis quadris isolate PR2223 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	730	730	90%	0.0	98%	KM280974_1
Zospeum suarezi isolate PR1842 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	730	730	89%	0.0	98%	KM280967_1
Laemodonta bella isolate PR0652 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	726	726	90%	0.0	98%	KM280966_1
Microtralia occidentalis isolate PR1760 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	726	726	90%	0.0	98%	KM280984_1
Mysotella mysotis isolate PR1759 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	723	723	90%	0.0	97%	KM281001_1
Pythia scarabaeus isolate PR0526 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	721	721	90%	0.0	97%	KM281004_1
Laemodonta cubensis isolate PR1750 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	721	721	90%	0.0	97%	KM280967_1
A.sirius small subunit ribosomal RNA gene	721	721	90%	0.0	97%	X98828_1
Cepaea nemoralis 18S rRNA gene	719	719	90%	0.0	97%	AJ224921_1
Cassidula auristellus isolate PR1927 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	717	717	90%	0.0	97%	KM280981_1
Allochroa pfeifferi isolate PR1394 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	717	717	89%	0.0	97%	KM280989_1
Discus rotundatus voucher EED-Phy-607 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	717	717	90%	0.0	97%	FJ017212_1
Oxylioma sp. 18S rRNA gene	717	717	90%	0.0	97%	X94276_1
Onchidella borealis isolate PR0737 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	715	715	90%	0.0	97%	KM281006_1
Auriculinella bidentata isolate PR2057 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	715	715	87%	0.0	98%	KM280978_1
Ellobium chinense isolate PR2221 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	715	715	90%	0.0	97%	KM280975_1
Pleuroscilla rupestris isolate PR2226 18S ribosomal RNA gene, partial sequence	715	715	90%	0.0	96%	KM280073_1

нуцк Moll Z... Спец К... Спец ... УУМ М... Solov... 2015.12... molyuk... EN 12:12

Рис. 9. BLAST дастури матн шаклидаги натижалари.

Nucleotide BLAST: Search n... NCBI Blast:Ps.sogdiana\_1z... blast.ncbi.nlm.nih.gov/Blast.cgi

Alignments

Download GenBank Graphics

Auriculinella bidentata isolate PR0650 18S ribosomal RNA gene, partial sequence

Sequence ID: [KM280971\\_1](#) Length: 1850 Number of Matches: 1

Range 1: 1429 to 1851

Score	Expect	Identities	Gaps	Strand
737 bits(399)	0.0	416/424(98%)	2/424(0%)	Plus/Plus
Query 3	AGGGAGCCGAACTGGCCTTATGCCACACCAAGATTGACAAATAKACAGGTGTGGATGCGCTT	62		
Sbjct 1429	-CGAGCTGGCTTTATGCCACACCAAGATTGACAAATAKACAGGTGTGGATGCGCTT	1486		
Query 63	AGATGTCGGGGGGCCGACGCCGCTACACTGAAGAAATACGCCGTGGATGCCCTCCGGCC	122		
Sbjct 1487	-AGATGTCGGGGGGCCGACGCCGCTACACTGAAGAAATACGCCGTGGATGCCCTCCGGCC	1546		
Query 123	CGAAAGGGCTGGAAACCCGTTGAATCTCTTCGCTGGTAGGGATTGGGGCTTGTAAATTCT	182		
Sbjct 1547	-CGAAAGGGCTGGAAACCCGTTGAATCTCTTCGCTGGTAGGGATTGGGGCTTGTAAATTCT	1606		
Query 183	TCCCCATGAAACGACAAATCCCACTAACCGGGAGCTCATAACCTCCCCTTGATTAGCTCC	242		
Sbjct 1607	-TCCCCATGAAACGACAAATCCCACTAACCGGGAGCTCATAACCTCCCCTTGATTAGCTCC	1666		
Query 243	TGCCCTTTGTACACCCGGCGCTGCTACTATCGATTGACGGTTTACAGTGAGGGCTTCGG	302		
Sbjct 1667	-TGCCTTTGTACACCCGGCGCTGCTACTATCGATTGACGGTTTACAGTGAGGGCTTCGG	1726		
Query 303	ATTCGTCCTCGCTCGTCCGACGGCTAACGTCGGCACCGCTGGCGAGAACAAACCTCGAACCTCG	362		
Sbjct 1727	-ATTCGTCCTCGCTCGTACCGAACGTCGGCACCGCTGGCGAGAACAAACCTCGAACCTCG	1786		
Query 363	ATCCCTTGAGAAAAAGTAAAAGTCTTAATAAGCTTTTCCGTAAGCTGAACTCGGGAAAGATC	422		
Sbjct 1787	-ATCCCTTGAGAAAAAGTAAAAGTCTGAACAGGTTTCCGTAAGCTGAACTCGGGAAAGATC	1846		
Query 423	ATTA 426			
Sbjct 1847	ATTA 1850			

Related Information

Download GenBank Graphics

Auriculastra subula isolate PR1651 18S ribosomal RNA gene, partial sequence

Sequence ID: [KM280970\\_1](#) Length: 1852 Number of Matches: 1

Range 1: 1430 to 1851

Score	Expect	Identities	Gaps	Strand
737 bits(399)	0.0	416/424(98%)	2/424(0%)	Plus/Plus
Query 3	AGGGAGCCGAACTGGCCTTATGCCACACCAAGATTGACAAATAKACAGGTGTGGATGCGCTT	62		
Sbjct 1430	-CGAGCTGGCTTTATGCCACACCAAGATTGACAAATAKACAGGTGTGGATGCGCTT	1487		
Query 63	AGATGTCGGGGGGCCGACGCCGCTACACTGAAGAAATACGCCGTGGATGCCCTCCGGCC	122		

Related Information

нуцк Moll Z... Спец К... Спец ... УУМ М... Solov... 2015.12... molyuk... EN 12:16

10 расм. Ўрганилаётган нуклеотидлар кетма кетлиги ва малумотлар базасидаги кетма-кетликнинг жуфт тўғирланиши.

Тақосланаётган кетма-кетликнинг тўлиқсиз гомологияси ҳам натижа бўлиши мумкин: 1) GeneBank депонировать қилинган кетма-кетликлар хато бўлиши мумкин (Sbjct); 2) тур ичидаги ўзгарувчанлик.

**Назорат саволлари:**

1. Сэнжер усули асосидаги секвенирлашда қандай принцип ётади?
2. Секвенирлаш ўтказишда занжирнинг узишда қандай компонентлар керак?
3. ПЗР-амплификацияси ассиметрик реакциясида фрагментларни тозалашни тушунтиринг?
4. Blastn программаси ёрдамида кўплаб тўғрилашлар қандай ўтказилади?
5. BLAST ёрдамида бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини қандай таҳлил қилинади?
6. BLAST билаш ишлашни принципларини кўрсатинг?

**Фоффдаланилган адабиёт:**

1. Sambrook, J. Molecular cloning: A laboratory manual. 2<sup>nd</sup> ed / J. Sambrook, E.F. Fritsch, T. Maniatis. - Cold Spring Harbor: Cold Spring Harbor Laboratory Press, 2001. - 1626 p.

## **5- мавзу. Филогенетик дараҳтни тузиш. Нуклеотидлар кетма-кетлигини генбантк (ncbi) базасига жойлаштириш днк – диагностика (пэр усули).**

### **РЕЖА:**

- 5.1.** Таҳлил учун олинган кетма-кетликларни тузиш;
- 5.2.** Clustal Omega дастури ёрдамида нуклеотидлар кетма-кетлигини кўп маротабали тўғирлаш;
- 5.3.** Филогенетик дараҳтни тузишда MEGA-5 программасида кўпроқ ҳақиқатга ўхшиашлик усули (*maximal likelihood*), максимал иқтисод (*maximal parsimony*), чамалаб кўрилган ўртача жуфтлик (*UPGMA*) ва яқин қўшинилар (*Neighbor-joining*) дастурлари орқали текшириш;
- 5.4.** Олинган нуклеотидлар кетма-кетлигини ҳалқаро Генбантк (NCBI) жойлаштириши;

**Таянч иблоралар:** Молекуляр филогенетика, Филогенетик дараҳт, *fasta format*, MEGA-5, Генбантк.

Филогенетик дараҳтни тузиш учун олдин таҳлил учун керакли кетма-кетликни аниқлаб олиш сўнгра, уларни кўп маротабали тўғирлаш зарур. Кейин, маҳсус дастур ёрдамида дараҳт тузилади ва натижалар график кўринишида кўрсатилиади.

Филогенетик дараҳтни тузиш учун FASTA форматида нуклеотидлар кетма-кетлиги тузилади.

Кетма-кетликни танлашда керак бўлади:

- 1) Унчалик катта бўлмаган танламада тўхташ (< 50 кетма-кетлик)
- 2) Фрагментларга, ксенологларга, рекомбинант кетма-кетлик, тандем қайталанишларга (кетма-кетликларни қўплаб қайталаниши) йўл қўймаслик керак.

### **5.1. Таҳлил учун олинган кетма-кетликларни тузиш.**

1. Алоҳида матнли файлга (Microsoft Word) филогенетик дараҳт тузиш учун хизмат қилувчи организмларнинг (FASTA форматида), кетма-кетлигини киритинг.
2. Кетма-кетликни рақамланг. Бошқа матнли файлга организм номларига мос келувчи рақамлар кетма-кетлигини ёзиб чиқинг (11-12расм).

<b>№</b>	<b>Намунанинг бирламчи нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш</b>
№1	<a href="#">gb KF811493.1 </a> Protostrongylus rufescens isolate AK17 L3 5.8S ribosomal RNA gene and internal transcribed spacer 2, partial sequence
№2	<a href="#">gb KF811491.1 </a> Protostrongylus hobmaieri isolate AK8 5.8S ribosomal RNA gene and internal transcribed spacer 2, partial sequence
№3	<a href="#">gb KF811488.1 </a> Spiculocaulus leuckarti isolate AK14a 5.8S ribosomal RNA gene and internal transcribed spacer 2, partial sequence
№4	<a href="#">dbj AB478249.1 </a> Protostrongylus shiozawai genes for ITS2, 28S rRNA, partial sequence
№5	<a href="#">gb EU018481.1 </a> Cystocaulus ocreatus isolate 161 internal transcribed spacer 2, complete sequence; and 28S ribosomal RNA gene, partial sequence

11-расм. Microsoft Word матнли файлда организмлар номланиши.

## **5.2. Clustal Omega дастури ёрдамида нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаб олиш сўнгра уларни кўп маротабали тўғирлаш.**

*Clustal Omega* дастури ёрдамида нуклеотид кислоталар ва оқсиллар кетма-кетлигини анақлаб олиш, сўнгра уларни кўп маротабали тўғирлашга мўлжалланган.

Clustal Omega гурухли сатр ёки он-лайн тарзда ишлайди.

1. Кўп маротабали тўғирлаш учун Clustal Omega саҳифасига киринг: <http://www.ebi.ac.uk/Tools/msa/clustalo/index.html>.

2. Clustal Omega бош саҳифасида тўрт иловали меню бор (13 расм):

- Step 1 (Қадам 1) – илова кетма-кетликда FASTA форматида Microsoft Word документига тахлил қилинаётган нуклеотидлар кетма-кетлигини киритувчи ойнани ўзида сақлайди. Графада Enter or paste да DNA танлаймиз.
  - Step 2 (Қадам 2) – илова (Pairwise Alignment Options) жуфт тўғирлаш вариантларини ўзида сақлайди: секинроқ (Slow) ёки тезроқ (Fast). Параметрларни ўзгартирмаймиз (Slow);
  - Step 3 (Қадам 3) - илова кўплаб тўғирлаш вариантларини ўзида сақлайди (Multiple Sequence Alignment Options): киритиш форматини аниқлаймиз PHYLIP;
  - Step 4 (Қадам 4) – натижаларни элекрон манзил орқали юбориш учун ойна (ўзингизнинг электрон манзилнгизни графада EMAIL кўрсатинг).

3. Тўғрилашни ишга солиш учун SUBMIT тугмасини босинг. Тўғрилаш натижаларини бир неча дақиқадан сўнг электрон манзилга юборилади (14-расм).

www.ebi.ac.uk/Tools/msa/clustalo/

# Clustal Omega

Input form | Web services | Help & Documentation | Share | Feedback

Tools > Multiple Sequence Alignment > Clustal Omega

## Multiple Sequence Alignment

Clustal Omega is a new multiple sequence alignment program that uses seeded guide trees and HMM profile-profile techniques to generate alignments between **three or more** sequences. For the alignment of two sequences please instead use our pairwise sequence alignment tools.

**STEP 1 - Enter your input sequences**

Enter or paste a set of DNA sequences in any supported format:

```
CCTATGCTGGTATTACATTAACATGAGCATGTGATTTCATGGATCTGGAACTATATAATGTTGAAGATTCGTCGATGGACGACSGTGCTGTTCAAGTGTGATGTCATGTTGACACTAGACATAAGCGAGT  
TGGGCATACATGCGTAATGTTGTTCTGTAACATGCAACCTGAACTCAGACGTGATTACCCCTGAACTTAAGCATATCAT  
>5_C_0  
TTGTCGATATATACTACATATTACATGATGTTAGGACGTGAATGCCGCTGCTGTCGAACTGGTACTCGTCGTCGCCGTTGCGAACGTCGACGCTGATTCCCGTTCAAGAATGAGTGTGACAACTGTAAT  
